

# ТАВАККУЛ

**“Туянгни боғла-да, Аллоҳ таолога таваккул қил!”**

*Имом Термизий ривояти*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Расулаллоҳ! Аллоҳга таваккул қилиб, туямни бўш ҳолича қўйиб юбордим”, деган саҳобага шундай дея марҳамат қилганлар ва таваккул зоҳирий сабабларни ўринлатиб қўйишни ҳам ичига олишидан умматни огоҳ этганлар.

Таваккул Аллоҳ хузуридагига ишониш, кишилардан тама қилмасликдир. Саҳобалар ҳар бир нарсанинг зоҳирий сабабларини бажаришга тиришишар, меҳнат қилиб, пешона терларини оқизишар эди. Ҳолбуки, улар Аллоҳга таваккул қилишда биринчи сафда туришар эди.

Имом Термизий ва бошқалар бундай ривоят қилишган: “Агар Аллоҳга ҳақиқатан таваккул қилсангиз, оч бўлиб тонгга, тўқ бўлиб кечга кирадиган қушларни ризқлантиргани каби, сизларни ҳам ризқлантиради”. Қушлар кун бўйи “меҳнат” қилишлари сабабли кечга бориб тўқ бўлади. Қушлар уяларида ётмайдилар, ётсалар, ҳеч қаердан ризқ келмаслигини баъзи инсонларга қараганда яхшироқ биладилар, шунинг учун тўхтовсиз “меҳнат” қиладилар. Қушларнинг “таваккул”лари ҳаракат ва зоҳирий сабабларни бажаришдан иборатдир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) инсонларга қушлардан ўрнат олишни маслаҳат бердилар, қушлардан ўрганишга ундадилар.

Бирон касб-ҳунар қилмай ётиш душманларга ёрдамлашиш, уларнинг голиб келишларига йўл очиш ҳамда уларга қарам бўлиш демакдир.

Мусулмон қўлидан келганича иш қилиши, ҳунар орттириши, саноатни ривожлантириши, бойлик тўплаши ва шу йўллар билан динни, миллатни, ватанни юқори кўтаришга ёрдам бериши керак.

Биз ўқиган бошланғич мадрасанинг ҳужраларидан бирида печка емирилиб кетган, талаба болалар совуқда қолган эдик. Кеч куз, ўктабирнинг охирлари эди. Талабаларнинг совуқда қолганини пайқаган бир кекса мусофир киши ечиниб, печкани тузатишга

тушди. Талабаларнинг бири гишт, бири қум, бири сув келтиришиб, унга ёрдамлашишди. Кечга бориб печка битди, ҳужра исиди. Болалар жуда хурсанд бўлишди ва: “Эй бобо, сизни қандай дуо қилайлик?” деб сўрашди. Чол бўлса: “Менинг мақсадим биргина, дунёдан имон билан ўтишдир. Аллоҳдан менга шуни сўраб, дуо қилинлар”, деди. Болалар дуо қила бошлашди. Бобо эса ўксиб-ўксиб йиғлар эди.

Фақат шахсий манфаат ва фойда йўлида меҳнат қилмай, балки динга, миллатга ва ватанга фойдаси бўлган барча ишларда ҳам фаол бўлиш солиҳлар сийратидир.

*Монеъ эмас таваккулга саъйу ҳаракат, Ҳаракат қил, ҳаракат қил, шунда баракат!*

**Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН**



# МЕХР-ШАФҚАТ ИСТАСАК...

Аллоҳ таоло тўқсон тўққиз исмидан икки исмини — Раҳмон ва Раҳим исмларини ҳар бир ишни бошлаш олдидан «Аллоҳ» исмига қўшиб ёд этишни мўмин бандаларига амр қилган. Муслмон ишларига Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи (Бисмиллаҳир раҳмонир роҳим) билан киришади.

Раҳмон ва Раҳимнинг маъно жиҳатидан ўзаги раҳматдир. Раҳмат меҳр-шафқат қилиш, яхшилик истадир.

Барча махлуқотларига меҳрли ва шафқатли, уларнинг ҳаммасига неъмат берувчи Зот бандаларига ҳам меҳрли ва шафқатли бўлишни буюради. Инсонларнинг, хоссатан қариндошларнинг, бир-бирларига меҳр-шафқат кўрсатишлари инсонийлик ва туғушганлик ҳаққидир. Меҳр-шафқатли бўлиш муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, мусибат етганларга ҳамдард бўлиш, ўксиганлар кўнглини кўтариш, етим-есирларни қанот остига олиш демакдир. Меҳр-шафқат жабр ва ситам қилмасликдир.

Киши меҳр-шафқатли бўлиши билан Аллоҳ таолонинг раҳматига мушарраф бўлади. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бундай деганлар:

“Раҳмон меҳр-шафқатлиларга раҳм қилади”.

“Инсонларга меҳр-шафқат қилмаган кимсага Аллоҳ таоло меҳр-шафқат қилмайди” (*Имом Бухорий, Муслим*).

Меҳр-шафқатли инсон бахтли инсондир. Меҳрсизлик бахтсизликдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганлар: “Бахтсиз кимсаларнинггина қалбидан меҳр-шафқат олиб қўйилади” (*Абу Довуд*).

Меҳр-шафқат ёйилган юрт обод, халқи фаровон бўлади. Меҳр-шафқатли кишилар орасида муҳтожлар қолмайди. Табароний ривоят қилган ҳадисда бундай дейилган: “Аллоҳ таолога қасамки, киши ёрдамига муҳтож туғишганлари бўлатуриб, садақасини улардан бошқаларга берса, Аллоҳ таоло қабул қилмайди”.

Динимиз меҳр-шафқат динидир. Аллоҳ таоло раҳматига эришишни, бахтли бўлишни истасак, меҳрли, шафқатли бўлайлик.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

Муассиси

Ўзбекистон муслмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Нуриддин ҲОШИМОВ  
Анвар ТУРСУН  
Неъматилла ИБРОҲИМОВ  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ  
Абдул Жалил ХУҲАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

Муқова

«Voriz Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матнни

Райҳона ХОЛБЕК қизи

терди

Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04  
Раҳбари Ўқтам ҳожи Умрзоқ  
Фаргона вилояти — 8.373.222-12-38  
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин  
Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08  
Раҳбари Низомиддин Чори

Манзилимиз:

700069 Тошкент шаҳри  
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;  
Тел: 393-27-00, тел.факс: 160-01-96.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.uz](mailto:hidoyat_jurnali@mail.uz)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2007 йил 13 августда рухсат берилди. Босмаҳонага 2007 йил 14 августда топширилди. Қоғоз бичими 60x84<sup>1/8</sup>. Адади 20000 нусха. 140-сон буюртма. «KOH NUR» МЧЖда босилди.

Қўлёзмалар қайтарилмайди. Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| <b>Ҳадис шарҳи</b>                      |    |
| Таваккул .....                          | 1  |
| <b>Таянч нуқта</b>                      |    |
| Меҳр-шафқат истасак .....               | 2  |
| <b>ЎМИ ҳаёти</b>                        |    |
| Азизхон ҲАКИМОВ                         |    |
| Афғонистонлик меҳмонлар .....           | 4  |
| Муҳаммадназар ҚАЮМОВ                    |    |
| Вакилликлар ташкил этилди .....         | 4  |
| Саидбаҳром ФУЛОМОВ                      |    |
| Умра сафари .....                       | 5  |
| Жалолиддин НУРИДДИНОВ                   |    |
| Ёшлар ишга йўлланди .....               | 5  |
| <b>Рангин туйғулар</b>                  |    |
| Муҳаммаджон РАҲМАТОВ                    |    |
| Чегаланган чойнак .....                 | 7  |
| <b>Масала</b>                           |    |
| Бир савол сўрасам .....                 | 11 |
| <b>Мустақилликнинг 16 йиллиги</b>       |    |
| Абдулҳай ТУРСУНОВ                       |    |
| Улкан ютуқлар эътирофи .....            | 12 |
| <b>Мактубларда манзаралар</b>           |    |
| Саид МУРОД                              |    |
| Ота-она ростгўй бўлсин .....            | 15 |
| Мунаввар ЭСОН қизи                      |    |
| Саховатли инсонларнинг ёрдами .....     | 15 |
| МОҲИГУЛ                                 |    |
| Ташхис .....                            | 15 |
| <b>Олисларга саёҳат</b>                 |    |
| Аҳмад МУҲАММАД                          |    |
| Бангладеш Халқ Республикаси .....       | 16 |
| <b>Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги</b> |    |
| Муҳаммад АЛИ                            |    |
| Ҳақиқатлар яширинган тарих .....        | 18 |
| <b>Аёллар саҳифаси</b>                  |    |
| Зебунисо ҲУСАЙН қизи                    |    |
| Яшаш аслида осон .....                  | 23 |
| <b>Тарбия</b>                           |    |
| Ҳайдарали НАЗАРОВ                       |    |
| Хулқинг гўзал бўлсин, болажон.....      | 26 |
| <b>Тошкент Ислоҳ маданияти пойтахти</b> |    |
| Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ                     |    |
| Ислоҳий маданият қалъаси .....          | 27 |
| <b>Шеърят</b>                           |    |
| Отабек БОҚОНИЙ                          |    |
| Сабрни, ҳаёни кийим қил... ..           | 28 |
| Нодир ЖОНУЗОҚ                           |    |
| Муножот .....                           | 29 |
| <b>Мустақилликнинг 16 йиллиги</b>       |    |
| Убайдулла УВАТОВ                        |    |
| Мусҳафнинг Лондонга ташрифи .....       | 30 |
| <b>Болалар саҳифаси</b>                 |    |
| Ҳорун ЯҲЁ                               |    |
| Беқасам тўнли жонивор .....             | 32 |

## Фикр

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

МАКРУҲ ВА МАВҚУФ  
САВДО

6

Савдо макруҳ бўлганида мол олувчига келишилган нархда ўтади. Аммо диёнат нуқтаи назаридан ҳар қандай гуноҳдан фориғ бўлиш лозим бўлгани учун макруҳ савдони бекор қилиш сотувчига ҳам, олувчига ҳам вожиб.

## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Италия масжидлари

2000 йилда мамлакатда 351 масжид ишлаб турган бўлса, 2007 йилга келиб улар сони 735 тага етди. Уларнинг аксарияти Италиянинг шимолий ҳудудларида қурилган.

8

## Аёллар саҳифаси

БАХТ ҚАСРИНИНГ  
ЭШИГИ

Аёл эрининг табиатини, феълани ва хулқини билиши ва шунга қараб муомала қилиши керак. Масалан, эри нимадан кўпроқ хурсанд бўлса, ўшани қилиш ва қандай нарса гашини келтирса, уни қилмаслик

## Саҳобалар ҳаёти


Холид Муҳаммад ХОЛИД

## ҲУБАЙБ ИБН АДЙ

Ўз йўриқларига сола олмасликларига ишонч ҳосил қилгач, Ҳубайбни Танъим деган жойга олиб кетишди. Манзилга етгач, Ҳубайб икки ракат намоз ўқиш учун изн сўради.

24





# МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

## *Афғонистонлик меҳмонлар*

18 июл куни Афғонистон Ислом Республикаси савдо ва саноат вазири Мир Амин Муҳаммад Фарханг бошлиқ меҳмонлар шу мамлакатнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Форуқ Баракий ҳамроҳлигида “Ҳазрати Имом” мажмуасига ташриф буюришди. Меҳмонларни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари Абдураззоқ Юнус кутиб олди.

Меҳмонлар Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон ва Мўйи Муборак мадрасаларини кўздан кечиришди, Ҳазрати Усмон муҳаффини зиёрат қилишди.

Меҳмонлар бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига, шундай катта масжид хонақоҳи устунсиз қурилганига юксак баҳо беришди.

**Азизхон ҲАКИМОВ,**  
*ЎМИ халқаро алоқалар бўлими  
ҳодими*

## *Вакилликлар ташкил этилди*

Қорақалпоғистон Республикасида мустақилликдан кейин миллий, диний қадриятларни тиклаш борасида кўпгина ибратли ишлар амалга оширилди. Аммо ҳал этилиши зарур муаммолар йўқ эмас. Аҳолининг диний саводини ошириш, ёшларнинг ҳар хил оқимларга кириб кетишлари олдини олиш, кам таъминланган қатлам кайфиятидан фойдаланиб гаразли мақсадларини амалга оширмақ-

чи бўлаётган миссионерлар ҳаракатига чек қўйиш каби долзарб масалалар шулар жумласидан. Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Қорақалпоғистон қозиётининг ташаббуси ва таклифини қўллаб-қувватлаб диний-маърифий ишларни янада жонлантириш мақсадида қорақалпоқ диёрида учта ҳудудий вакилликни ташкил этди.

## *Китоб энг яхши ҳадя*

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳар бир масжидда кутубхона бўлишига жиддий эътибор қаратаётир. Яқинда “Мовароуннаҳр” нашриёти 2007 йили нашр этган “Диний бағрикенглик ва мутаассиблик”, “Имом ал-Бухорий баракоти” номли китоблар юртимиз масжидларига ҳадя қилиб берилди.

**Муҳаммадназар ҚАЮМОВ,**  
*ЎМИ масжидлар ва фатво бўлими ходими*

## *Умра сафари*

Юртдошларимиз орасида муборак ҳаж ва умра сафарини ихтиёр қилганлар кўпайиб борапти. Яқинда бу йилги умра сафарига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етди. Шунга кўра, бу йил тўрт минг нафар атрофида юртдошларимиз август — октябр ойларида умра ибодатини адо этишади, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) равзаларини зиёрат қилишади, иншааллоҳ. Сафар икки хил муддатли — бир ва икки ҳафталикдир.

**Саидбахром ҲУЛОМОВ,**  
*ЎМИ халқаро алоқалар бўлими  
мудири ўринбосари*

## *Ёшлар ишга йўлланди*

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тавсия-сига кўра, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти ва ўрта-махсус Ислом билим юртлирини тугатган 158 нафар битирувчи асосан масжидларда ишлашга йўлланди. Уларнинг 93 нафари имом-хатиб, 58 нафари имом-хатиб ноиби вазифасида фаолият кўрсатишади.

Битирувчилар орасида мадрасаларда идора кутубхонасида, вилоят вакилликларида ишлаш истагини билдирганлар ҳам бор.

**Жалолиддин НУРИДДИНОВ,**  
*ЎМИ таълим ва кадрлар тайёрлаш  
бўлими мудири*

## “НЕГА ОТАМИЗГА ЎХШАМАЙМИЗ?”

Журналнинг шу йилги 5-сонида чоп этилган “Мусулмонга ярашикли хулқ” мақоласидаги қуйидаги сатрларни ўқирканман, узоқ ўйларга толаман: “Феълимиз нега ердек эмас? Асли ер бўлган Одам отанинг фарзанди бўлатуриб, нега отамизга ўхшаймаймиз? Боланинг отага ўхшамаслиги (сийрати назарда тутилмоқда) яхши аломат эмас».

Дарҳақиқат, нега, дея савол бераман ўзимга. Биз Одам (алайҳиссалом) зурриётларимиз. Сабр, хокисорлик, камсуханлик, ҳаё, фаросат каби чиройли хулқлар бизнинг феълимизда, атворимизда мужассам бўлиши лозим. Шунингдек, Яратганга қуллик қилиш, қариндош-уруғ, қўни-қўшни, маҳаллакўй билан яхши муносабатда бўлиш каби гўзал фазилатларни эгаллашимиз зарур.

Инсон ёши ўтавергач, ширин гапнинг гадоси, савоб ишнинг шайдоси бўлиб қоларкан. Уйимга яқинроқ бир масжиднинг ҳовлиларини супуриб сидираман. Атрофларини тозалайман. Кўчаларда сочилиб-ёйилиб ётган ҳар хил чиқиндилар: сигарет қутилари, музқаймоқ, сақич қоғозлари, бўш бақлашқаларни кўриб оғриниб ке-

таман. Атроф-муҳитнинг тозалигига эътиборсизлик қачондан бунчалик урчиди?!

Бир куни масжидни супураётсам, намозга вақтлироқ келган киши: «Хола, супурганингизга қанча пул оласиз?» деб саволга тутди. Хижолатдан ноқулай аҳволга тушдим. «Менинг пулга муҳтожлигим йўқ. Масжидга кўшниман. Ҳовлиси бир оз ифлосланса, тозалаб қўяман, холос. Болам, бу иш ҳам савоб».

Ўзимга-ўзим савол бераман: «Қачон пулга тўямиз? Қачонгача ҳамма ишни пулга чақамиз?..»

Ўйлашимча, ҳалихануз тарбиямизнинг, ахлоқимизнинг оғриқли томонлари кўп. “Ҳидоят”нинг 6-сонида чоп этилган “Муҳаммаджон” мақоласида бир ота ҳақида ҳикоя қилинади. Баъзи бир одамлар наздида, «жинни»дек туюлган бу ота аслида хокисор, камсуқум, ҳалол ва ҳамиятли инсон бўлган! Яхшилиқни фақат пул, ялтироқ дабдабалар билан ўлчамайлик. Оддийлик ҳам аслида энг гўзал ва миннатсиз яхшилиқ ҳисобланади.

Мавлуда  
МУБОРАК қизи,  
Тошкент

### Марғилон тўй арафасида

Марғилон шаҳрида бунёд этилган ва таъмирланган замонавий ва тарихий иншоотлар июл ойи охирида фойдаланишга топширилди.

Шулардан бири Пури Сиддиқ (Сиддиқнинг набираси) мажмуаси— Марғилоннинг энг қадимий масканларидан. Унинг пайдо бўлиши ва номини Пайғамбаримизнинг (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) биринчи халифалари, яқин дўстлари Абу Бакр Сиддиқ (розийаллоҳу анҳу) авлодлари билан боғлашади. Маълумотларга кўра, бу ерда у зотнинг набираси дафн этилган ва қабр устига VII аср охирида мақбара қурилган.

1870-1875 йиллари тикланган яна бир тарихий обида бугун марғилонлик ҳунармандлар маскани. У Хўжа Саид Аҳмад томонидан бунёд этилган мадраса биносидир.

Мумтоз адабиётимизнинг машҳур вакиласи Жаҳон Отин Увайсий ҳам Марғилонда таваллуд топган. Шоира дафн этилган ҳудудда унинг уй-музейи қурилди.

Бундан ташқари, шаҳарда тиббиёт коллежи, янги маҳалла гузари, саккиз юз ўринли мактаб бинолари ҳам қуриб битказилди.

Фулом МИРЗО,  
Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари



# САВДО

## Макруҳ ва мавкуф савдо

(«Ҳидоя», «Мухтасарул виқоя», «Қозихон», «Раддул мухтор» ва «Дуррул мухтор» китоблари асосида)\*

Мусулмоннинг барча ишлари ахлоқ доирасида бўлиши лозим. Динимизнинг талаби шудир. Ҳар қандай амални адо этишда ахлоқ доирасидан чиқилса, у амал макруҳ ҳисобланади.

Савдода ҳам шундай. Шунинг учун:

— олувчиларни молига қизиқтириш учун унинг нарҳини кўтартириб ё унда бўлмаган сифатлар билан мақтатиб савдо қилдириш;

— молни маълум бир нарҳда сотишга ва олишга келишиб турганлар савдоси устига келиб савдо қилиш (масалан, икки киши молни юз мингга бири сотишга, иккинчиси олишга келишиб турганларида учинчи бир шахс уни юз ўн мингга оламан дейиши, ёки юз мингга олиш ва молни юз мингга олаётган кишига: “Мен шундай молимни тўқсон мингга бераман”, деб айнитиб, ўз молини ўтказиш);

— бозорга кираётган молни йўлда тўсиб сотиб олиш (агар нарх кўтарилишига ё сотувчининг моли нарҳини билмай арзон сотишига сабаб бўлса);

— юртда тақчил бўлган молни ташқарига сотиш кабилар макруҳ ҳисобланади.

Савдо макруҳ бўлганида мол олувчига келишилган нарҳда ўтади. Аммо диёнат нуқтаи назаридан ҳар қандай гуноҳдан холи бўлиш лозим бўлгани учун макруҳ савдони бекор қилиш сотувчига ҳам, олувчига ҳам вожиб.

*Давоми. Олдинги қисмлар ўтган сонларда.*

Савдо амалга ошган ҳисобланиши учун мол сотувчининг мулки ёки сотувчи уни сотишга ваколатли бўлиши, шунингдек, сотилаётган молда ўзганинг ҳаққи бўлмаслиги керак.

Агар киши ўзганинг мулкини унинг рухсатсиз фалончининг (!) моли деб (мол эгасининг номини айтиб) сотса ё сотилаётган молда ўзганинг ҳаққи бўлса, у савдо мавкуф ҳисобланади (Агар ўзганинг молини ўзимнинг молим деб сотса, у ботил савдо бўлади).

Амалга ошмаган, амалга ошиши қуйидаги уч шарт бўлганида мол эгасининг рухсатига боғлиқ савдо мавкуф савдодир. Мавкуф савдо амалга ошган савдо бўлиши учун лозим шартларнинг биринчиси эгасининг рухсатсиз сотилган мол йўқ бўлмаган (истеъмол қилинмаган, синмаган ва ҳ.к) ё ўзгармаган (бўялмаган, бошқа нарсага айлантирилмаган) бўлиши керак. Иккинчи ва учинчи шарти унинг эгаси ва сотиб олган киши ҳалок бўлмаган бўлиши лозим. Шунингдек, агар мол ўрнига мол олган бўлса, у ҳам бўлиши шартдир.

Мавкуф савдога молнинг эгаси ижозат берса, молнинг пули унинг мулки бўлади ва уни олгунча молини рухсатсиз сотган киши қўлида омонат ҳисобланади. Агар мол айирбошланган бўлса, унинг ўрнига олинган мол рухсатсиз айирбошлаган кишининг мулки бўлади ва у кимса молнинг эгасига унинг ўхшашини (агар ўхшаши бўлса) ё қийматини бериши лозим.

Агар мавқуф савдога мол эгаси ижозат бермаса, молни сотиб олган кишининг тўлаган пули (уни сотиб олаётганида сотувчи эгаси эмаслигини билса ҳам, билмаса ҳам) сотувчи қўлида омонат бўлади.

Мол эгаси мавқуф савдога ижозат бермасдан олдин унинг ижозатисиз моли йўқ бўлган ё ўзгарган бўлса, у молининг қийматини ё ўхшашини уни сотган ё сотиб олган кишидан ундириб олади.

Агар мол эгаси ижозатисиз сотилган молнинг қийматини ё ўхшашини сотиб олган кишидан ундириб олса, у молга тўлаган пулини сотувчидан қайтариб олади.

Баъзан эр хотиннинг (ё аксинча) молини унинг рухсатисиз бозорга олиб чиқиб сотади. Ёки фарзанд ота-онасининг молини уларнинг изнисиз сотиши ҳам учраб туради. Ана шу каби савдолар мавқуф савдо ҳисобланади.

Масалан, хотин эрининг кастимини эрига айтмай: «Эримга тор келиб қолди», деб эллик минг сўмга сотса, эри рухсат бергунича у савдо амалга ошмайди, мавқуф бўлади. Эри рухсат берса, савдо амалга ошади ва эллик минг сўм эрининг мулки бўлади. Агар у кастимини матога айирбошлаган бўлса, эри у савдога рухсат этса, мато хотиннинг мулки бўлади ва хотин эрига кастимини ўхшашини ё қийматини бериши керак.

Қуйидаги нарсалар савдоси унда ўзганинг ҳаққи бўлганидан мавқуф савдо ҳисобланади:

— гаровга қўйилган, ижарага берилган нарсаларнинг ва шерикликка берилган ернинг савдоси уларда гаровга, ижарага олувчиларнинг ва ерни шерикликка экаётганининг ҳаққи борлиги учун мазкурлар ижозат беришмаса амалга ошмайди;

— касал киши мулкни ворисларидан бирига сотса, унда қолган ворислар ҳаққи бўлгани учун, улар рухсат бермаса, савдо амалга ошган ҳисобланмайди;

— ворислар ўлган киши молини сотишса, агар ўлганнинг қолдирган моли зиммасидаги қарз миқдоридан ошмаса, қарз берганлар ижозат бермаса, амалга ошмайди.

**Муҳаммад ШАРИФ ЖУМАН**

Баъзан болалигимни эслаб тураман. Қишлоғимизга синган чойнак-пиёлаларни чегалайдиган бир чол тез-тез келиб турарди. Чегачи уйимиз олдидаги катта ўрик тагига жойлашар, мен унга чой дамлаб чиқардим. Кечгача унинг ишларини томоша қилиб ўтирардим. Синган чойнак-пиёлаларнинг қайта тикланиши менга мўъжизадек туюларди.

Бир куни уйимиздаги катта чойнагимиз синиб қолди. Уни чегачи чол келганида олиб чиқдим. Чегалаб бердилар-у, пул олмадилар. Ўша вақтлар нимагадир шу чойнакда чой ичсам, сира тўймасдим.

## ЧЕГАЛАНГАН ЧОЙНАК



Ким билсин, балки чегачининг чойнакни тиклашга кетган заҳматини кўриб-кузатганим учун менга чойнакнинг чойи ширин туюлгандир. Ўшанда бундай чойнак-пиёлаларда чой ичиш айб саналмасди. Ҳатто чойхоналарда ҳам чегаланган чойнак-пиёлалар бемалол ишлатиларди.

Бугун бутунлай бошқача. Уйимизга келган меҳмонга бундай пиёлада чой беришни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Балки турмушимиз фаровонлашиб бораётганидандир...

Гоҳ-гоҳ ўша чегачи чол тушларимга киради. Оппоқ яктақда, ўригимиз тагида ўтириб, синган идишларни қайта тиклайди. Негадир уни соғинавераман, кўргим келаверади. Баъзан бу ҳунар эгаларини бозорлардан излаб қоламан. Хўш, бордию бугунги кунда чегачилар бўлса, улар нима иш қилишган бўларди, деб ўзимга савол бераман.

Менимча, улар энди синган идишларни эмас, меҳрсизликдан дарз кетган юракларни чегалашга уриниб кўришармиди?..

**Муҳаммаджон РАҲМАТОВ**

# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## *Тож Маҳалнинг ҳолати*

Меъморлик соҳаси билимдонлари Ҳиндистоннинг Агра шаҳрида бобурийлар қурдирган гўзал иншоот — Тож Маҳалга саноат чиқиндилари жиддий зарар етказётганини маълум қилишди. Ҳозир ушбу буюк асарни тутун-ғубор булутли қоплаб олган. Ёнидан оқиб ўтувчи Жамна дарёси ярмигача қуриб, ўзани чиқиндилар билан тўлган.

Атроф-муҳит ва меъморий мерос химоячилари фикрича, ҳаво таркибида ортиб бораётган зарарли моддалар таъсирида Тож Маҳалнинг мармар қопламалари емириляпти. Бундай таъсир айниқса ёмғирлар мавсумида жуда кучаяди.

Агра университети тарих факултети раҳбари Сугам Ананд айтишича, Тож Маҳал худди “сарик касали”га мубтало бўлган-у, дарҳол муолажа қилишга муҳтож ҳолатдадир.

Гап шундаки, Агра шаҳрини электр қуввати билан таъминлашда узилишлар жуда кўпайди. Натижада аҳоли нефт ва кўмирга мосланган қурилмаларни ишлатишга мажбур бўляпти.

*IINA*

## *Дубай минораси*



Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида қурилаётган миноранинг баландлиги 512,1 метрга етди. Бу кўрсаткич билан у Тайван пойтахтидаги дунёда

энг баланд “Тайпей—101” минорасини ҳам пастда қолдирди. Аммо Дубай минораси қурилиши ҳали тугаллангани йўқ. Унинг баландлиги 700-800 метрга бориши ҳам мумкин деган тахминлар бор.

Миноранинг ер устидаги қисми 167 қаватли бўлиб, пастки 37 қаватида меҳмонхона жойлашади. Иншоотнинг 45-108 қаватлари уй-жой муассасалари ихтиёрига берилади. Шунингдек, минорада хизмат жойлари (офислар), сайр-томоша майдончаси бўлиши ҳам кўзда тутилган.

*Islam.ru*

## *Бош консулга совға*



АҚШ бош консули Жан Степанчук ва унинг ҳамкасблари Екатеринбург муслмонларининг меҳмони бўлишди. Тас-

вирий санъат музейида АҚШ мустақиллик кунига бағишлаб ўтказилган тантананда мезбонлар бош консулга Қуръони карим ва оятлар маъноларининг русча таржимасини совға қилишди.

Россия Федерацияси президентининг террор ва зўравонликка қарши кураш маркази раиси Холид Шарафуддинов бундай совға америкалик сиёсатчиларга Ислом дини ва муслмонларни яхши тушунишларида ёрдам беришини таъкидлади.

*Islam.ru*



## Ливия – Франция келишувлари



Ливия ва Франция ҳавфсизлик, соғлиқни сақлаш, шунингдек, аҳоли кўчиши соҳаларида ҳамкорлик қилишга келишиб олишди. Ливия пойтахти Тараблус шаҳрида мамлакат раҳбари Муаммар Қаддофий Франция президенти Николя Саркозини қабул қилди. Сиёсатдонлар фикрича, бу учрашув Ливиянинг Оврупа билан муносабатлари ўнгланишидан далолат беради.

Икки президент ўзаро келишиб олган масалалар орасида Ливияда атом кучи (ядровий реактор) билан ишлайдиган, денгиз сувини чучитиб, тоза ичимлик сув тайёрлайдиган корхона қуриш лойиҳаси ҳам бор.

*BBC*

## АДЛ вакиллари Қуддусда

Араб давлатлари лигаси (АДЛ) вакиллари тарихда биринчи марта Яқин Шарқ муаммоларини тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида Қуддус шаҳрига келишди.

Миср ва Иордания ташқи ишлар вазирлари Исроил бош вазири Эхуд Олмерт билан учрашди. Аҳмад Абу Файт ва Абдул Илоҳ Хатиб Исроил раҳбариятига АДЛ бундан бир неча йил олдин илгари сурган таклифни тақдим этишди. Бу таклифга кўра, Исроилга босиб олинган ҳудудларидан бутунлай чиқиб кетиш, Фаластин давлати тузилиши, Фаластин қочоқлари масаласини ижобий ҳал этиш шартларини бажариш эвазига барча араб давлатлари билан тинч-тотув муносабатлар ўрнатиш имкони берилади. Эслатиб ўтамиз, 2002 йили Исроил давлати бу таклифни эътиборга олмаган эди.

*BBC*

## Уфада ўтган анжуман

Бошқирдистон пойтахти Уфа шаҳридаги “Ихлос” жомеъ масжидида “Абу Ханифа фикҳи” мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Вол-

габўйи мусулмон халқлари учун анъанавий бўлган ҳанафийлик мазҳабини тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда республика масжидларидан 150 нафар имом-хатиб иштирок этди. Бошқирдистон муфтийи Нурмуҳаммад Неъматуллин, муфтийнинг биринчи ўринбосари Элдор Малахов, “Ихлос” жомеъ масжиди имом-хатиби Муҳаммад Фуломов ва бошқалар турли мавзуларда маъруза қилишди.

*«БашИнформ»*

## Мулоқотга чақиришди

Эрон президенти Маҳмуд Аҳмадинажот Дамашқ шаҳрида Сурия президенти Башар Асад билан учрашди. Икки мамлакат президентлари фаластинликлар, ироқликлар ва ливанликларни тинч-тотувлик йўлида ўзаро мулоқотларни бошлаш, шу йўл билан миллий бирликни сақлаб қолишга чақиришди.



Эрон ва Сурия раҳбарлари фаластин қочоқларини ўз ватанларига қайтариш, мустақил фаластин давлатини тузиш, шунингдек, барча соҳаларда Ироқ мустақиллигини тўла тиклаш тарафдори эканларини маълум қилишди.

*ИРНА*

## Италия масжидлари

Кейинги етти йил мобайнида, баъзи кучларнинг қаршилигига қарамай, Италияда масжидлар сони кескин ортгани кузатилади. Ҳукумат тарқатган маълумотларга кўра, 2000 йилда мамлакатда 351 масжид ишлаб турган бўлса, 2007 йилга келиб улар сони 735 тага етди. Янги масжидларнинг аксарияти Италиянинг шимолий ҳудудларида қурилган.

Ҳукумат маълумотида, шунингдек, мамлакат мусулмонларининг қонунга оғишмай риоя қилишлари, зўравонликдан йироқ бўлиб, тинч мулоқотларга доим тайёр эканлари ҳам алоҳида таъкидланади.

*ИНА*

### Ивритчага тўғри таржима бўлади



Саудия Арабистони олимлари Қуръони карим маъноларининг иврит тилига таржимасини тайёрлашга киришдилар. “Бу ишни уддалаш учун бир йилдан кўп вақт керак бўлади”, деди қирол Фаҳд номидаги Қуръони каримни чоп этиш уюшмаси бош котиби Муҳаммад ибн Салим Афвий. Унинг айтишича, шу пайтгача Қуръон маъноларининг иврит тилига қилинган таржималарида маъно бузилишлари ва бошқа хатолар жуда кўп. Чунки “таржимонлар Ислом динига нисбатан ғайрисамимий муносабат билан ёндашишган, аксар таржимонларнинг Ислом дини, араб тили бўйича билимлари етарли бўлмаган. Қуръони карим маъноларининг Оврупа тилларига таржималари ҳам ана шундай камчиликлардан холи эмас”.

РИА “Новости”

### Ҳамкорлик ривожланади

Покистоннинг Россиядаги фавқулудда ва мухтор элчиси Мустафо Камол Қози айтишича, Москва ва Исломобод ўртасида ҳамкорлик жуда тез ривожланмоқда. Кейинги икки йил мобайнида бу мамлакатлар ўртасида мол айирбошлаш ҳажми беш юз миллион долларга ортди. Элчи таъкидлашича, яқинда Эрон — Покистон — Ҳиндистон газ ўтказиш иншооти қурилиши юзасидан шартнома имзоланган. «Газпром» Покистон худудидаги бундай улкан газ ўтказиш лойиҳасида энг асосий ҳамкорлардан ҳисобланади.

«Родная газета»

### ИКТ раҳбари чақириги

Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) Бош котиби Акмалиддин Эҳсонўгли Жанубий Осиё мамлакатлари халқлари ва ҳукумат бошлиқларига самимий ҳамдардлик билдирди. Маълумки, бу мамлакатларда табиий офат туфайли одамлар қурбон бўлди ва катта талофат кўрилди.

ИКТ раҳбари мазкур ташкилотга аъзо давлатлар ва халқаро ҳамжами-

ятни табиий офатга дучор бўлган мамлакатлар аҳолисига тезроқ инсонпарварлик ёрдами кўрсатишга чақирди.

IINA

### ИКТ ВА ИТБ вакиллари Дарфурда

Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) ва Ислом тараққиёт банки (ИТБ) вакилларидан иборат гуруҳ маҳаллий аҳолига бир миллион доллар инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш мақсадида Суданга келди.



Ушбу гуруҳ ўн кун давомида Хартум ва Дарфур шаҳарларида муҳтожларга

озиқ-овқат ва дори-дармон тарқатиш билан шуғулланади. Хартумда қочоқларга ёрдам бериш юзасидан Судан ҳукумати билан халқаро ҳамкорлик масалалари муҳокама этилади.

Айни чоқда, Танзанияда Дарфур қуролли гуруҳлари ва федерал ҳукумат вакиллари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. БМТнинг Судандаги вакили Ян Элиассон айтишича, томонлар ўзаро ишончни мустаҳкамлашга интилоқдалар.

IslamOnlineCom

### Юсуф Ислом фахрий фан доктори

Дастлаб машҳур кўшиқчи, мусиқачи сифатида танилган йирик жамоат арбоби Юсуф Исломга Экзестер университети (Буюк Британия) ҳуқуқшунослик фанлари доктори фахрий дипломи топширилди.

Девон шаҳарчасида ўтказилган фахрий дипломни топшириш маросимида Юсуф Ислом ғарб халқлари ва мусулмонлар ўртасида ўзаро яхши тушуниш ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшгани таъкидланди.

Шунингдек, илм ва санъат билан шуғулланиб, юксак натижаларга эришган, мамлакат ижтимоий ҳаётига фаол аралашаётган бошқа таниқли британияликлар ҳам фахрий дипломларга эга бўлишди.

Contact music

# БИР САВОЛ СЎРАСАМ...



*Саволларга фатво ишлари бўйича махсус ҳайъат жавоб беради*

**Савол.** *Бир дўстим: “Мен мол сотиб оламан, сиз боқасиз, семирғач сотамиз, фойдаси ўртамызда бўлади”, деди. Мен ҳали рози бўлганимча йўқ. Агар рози бўлсам, фойдани ўртада бўлишимиз тўғрими?*

АЛИШЕР,  
Каттақўрғон

**Жавоб.** Молни семиртириб ё тухумни жўжа қилиб сотишда шериклик фақат мол ё тухумни сотиб олишда икки томоннинг сармояси иштирок қилса, дуруст бўлади. Бунда фойда сармоялар миқдорига кўра тақсим қилинади. Агар мол ё тухум бир томоннинг сармоясига олиниб, иккинчи томон уни боқиши ё очириши шарт қилинса, ундан кўрилган фойданинг ҳаммаси мол ё тухумнинг эгасига бўлади. Иккинчи томон фойдадан ололмайди. Унга мол эгаси ана шу меҳнатлари эвазига одатда тўланадиган ҳақни, қанча бўлса ҳам, тўлаши керак (*Дуррул мухтор*). Шунинг учун мол бир кишининг сармоясига олинган ё унинг мулки бўлса, иккинчи кишига молни боқишга беришда меҳнат ҳақини тайин

қилиб қўйиши лозим. Акс ҳолда, ана шу меҳнатга одатда тўланадиган ҳақни (камайтирмай) тўлаши керак.

**Савол.** *Яқинда мен мингта ғишт сотиб олдим. Озгинасини ишлатиб, қолганини қўшимга сотмоқчи бўлдим. Нархини айтдим. Майли оламан, уч-тўрт кунда пулини бераман, деди. Аммо орадан икки ойча вақт ўтса ҳам, қўшим у ғишtlарни олишга келмади. Шундан сўнг мен устанинг таклифи билан ғиштни ўз эҳтиёжим учун ишлатиб юбордим. Мен хато қилмадиммикан, деб ўйлаб қоламан.*

ШЕРЗОД,  
Бағдош

**Жавоб.** Сиз айтган ҳолда савдо бўлган ҳисобланмайди. Савдо “сотдим”, “олдим” каби ўтган замон шаклидаги сўзлар билан ё икки томоннинг молларини айирбошлаши билан амалга ошадди (“*Ҳидоя*”). Шунинг учун ғишт сизнинг мулкингиздан чиқмаган, яъни, ўзингизнинг мулкингиздир. Уни ишлатиш ихтиёрингизда.

**Савол.** *Баъзи масжидларда намозхонлар гиламдаги чизик ёки ипга оёқ учларини теккизиб саф тортишади. Бунда оёғи кичик одамлар олдинга чиқиб, оёғи каттароқлари орқада қолгани кузатиляпти.*

Жамоат билан намоз ўқилганида саф текислигини нимага кўра белгиланади: оёқ учлари бир чизикда туришигами ёки товонлар текислигигами?

АБДУСАМАД,  
Чирчиқ

**Жавоб.** Жамоат намозида сафнинг текис ва жипс бўлиши суннатдир.

Намозхонларнинг оёқ тўпиқлари бир чизикда турса, саф текис бўлади. Акс ҳолда, саф текис бўлмайди. Шунинг учун сафга туришда оёқ учлари ва товонларнинг эмас, балки тўпиқларнинг бир чизикда бўлишига эътибор бериш лозим.

Махсус фатво  
ҳайъати раҳбари

Шайх Абдулазиз МАНСУР

# УЛКАН ЮТУҚЛАР ЭЪТИРОФИ



Ислом конференцияси ташкилотининг алоҳида бўғини АЙСЕКО (ISESCO) 2007 йилда Тошкент шаҳрини “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилди. Ислом Конференцияси Ташкилоти деганда мусулмон олами (эллик етти мамлакат)ни бирлаштириб турган, дунё миқёсидаги муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилишда таъсири ва аҳамияти тобора ортиб бораётган нуфузли халқаро ташкилот тушунилади.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб юртимизда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири қилиб белгиланади. Муҳтарам Юртбошимиз раҳбарликларида давлатимиз миллий қадриятларни, уларнинг асос пойдевори бўлган диний қадриятларимизни тиклаш ва янада ривожлантириш, буюк аждодларимиз қолдирган меросни асраб-авайлаш ва янада бойитиш масаласига катта эътибор қаратмоқда.

Албатта, пойтахтимизга берилган бу юксак ва олий мақом ота-боболаримиз исломий таълим, илм-фан ва маданият соҳаларида жаҳон миқёсида улкан ютуқларга эришганининг эътирофидир. Шу боис бу уч соҳага қисқача алоҳида-алоҳида тўхталишимиз мантиқан тўғридир.

## Ўтмишда ва ҳозирда таълим

Мамлакатимизнинг таълим-тарбия анъаналари узоқ тарихга боради. Милоднинг саккизинчи асригача бизнинг ўлкада асосан санскрит, юнон ёзувлари амалда қўлланган. Шу асрдан бошлаб Мовароуннаҳрга Ислом дини кириб келди. Масжидлар қурилиши билан

улар қошида мактабхоналар, мадрасалар ташкил этилди ва аста-секин диний ва дунёвий таълим тизими шаклланиб борди.

Дастлаб бу даргоҳларда дарс режаси муаллимнинг маълумот даражаси, билим савияси асосида тузилган. Таълим-тарбия босқичма-босқич: аввал мактабхона (бу ерда араб алифбоси ва Қуръонни ўқиш ўргатилган), кейин далоилхона (Қуръоннинг айрим суралари ва “Далоилул хойрот” ёдлатилган), учинчи босқич қорихона бўлган. Унда мактабхонани тамомлаган ўн ёшдан катта ўғил болалар уч-тўрт йил муддатда қори қилиб тайёрланган. Ва ниҳоят, мадрасаларда (мактабхоналарни тамомлаган қобилиятли ўспиринларни қабул қиладиган ўрта ва олий ўқув юртларида) асосан Ислом дини қоидалари, шариат аҳкомлари ўргатилган.

Ўрта аср ёзма манбаларида мусулмон оламидаги дастлабки ўқув даргоҳлари — мадрасалар айнан бизнинг диёрларимизда ташкил этилгани ҳақида аниқ маълумотлар келади. Дастлабки мадрасаларда таълим уч босқичда олиб борилган: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва олий (аъло). Уларда диний илмлар билан бирга дунёвий фанлар ҳам ўргатилган ва ўқиш талабалар иқтидорига қараб етти йилдан ўн йилгача давом этган. Тўлиқ босқични тамомлаш учун талабалардан ақида ва фикр фанларини ўзлаштириш талаб этилган.

Ўн саккизинчи асрга келиб ва Ўрта Осиёни Россия босиб олганидан кейин ҳам исломий мактаб ва мадрасалар маҳаллий аҳоли учун асосий таълим даргоҳи бўлиб қолди. 1821 йили Петербургда чиққан бир журналда 150 минг аҳоли яшаган Самарқандда 250 масжид ва 40 мадраса, Бухорода эса 200 минг аҳолига 400 масжид ва 30 мадраса тўғри келгани қайд қилинган. “Қомусул аълом” китобида ёзилишича, ўн тўққизинчи асрда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида 13 минг хонадон, 300 жомеъ масжид, 188 мадраса ва 60 та бошланғич мактаб бўлган. Мўътабар манбааларга кўра, 1894 йили Туркистонда жами 6445 мактаб ва мадраса фаолият кўрсатган эди. Илк совет даврида барча исломий ўқув юртлири ёпилди, мударрислар қувғин қилинди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, исломий меросимизни қайта тиклаш ва ўрғаниш учун кенг имкониятлар очила бошлади.

1992 йил 2 июлда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун халқ таълими тизими фаолияти йўналишини белгилаб берувчи ҳужжат бўлди.

1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Бу дастур “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг моҳиятидан келиб чиқиб, таълим тизимининг келажagini белгилашга ва уни ҳартомонлама ривожлантиришга мўлжалланган эди.

2006 йилги маълумотга кўра, мазкур қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги ижроси ўлароқ республикамизда:

— 6565 та мактабгача таълим муассаси бор. Уларда 571157 бола, яъни, мактабгача ёшдаги болаларнинг 21,4 фоизи таълим ва тарбия олади, уларнинг тарбияси билан 59595 мураббий ходим шуғулланади;

— 4748 мактаб бўлиб, уларда 5926860 ўқувчи таълим олади, 451567 ўқитувчи етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қозоқ ва қирғиз тилларида таълим беради;

— 973 ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасаси бор. Уларда 750397 талаба таълим олиб, 56525 ўқитувчи ва муҳандис, педагог ходим ишлайди;

— 62 олий ўқув юрти бўлиб, 265438 талаба ўқийди, 21409 нафар профессор ва ўқитувчи ишлайди.

Таълим-тарбияга оид тарихий ва ҳозирий маълумотларнинг қисқача баёни шулардир.

### Илм-фан

Ўзбекистонда фан тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. IX-XI асрларга келиб эса, Ўрта Осиё Шарқнинг илмий ва маданий марказларидан бирига айланди. Мисол қилиб Хоразм пойтахтидаги Абул Аббос ибн Маъмун асос солган, “Маъмун академияси” номида оламга машҳур илм марказини келтириш мумкин. Бу даргоҳда фалсафа, риёзиёт, тиб ва бошқа соҳаларга оид билимлар берилган. Шу тариқа Ўрта Осиёда илмий ишларни академия шаклида ташкил этиш анъанага айланиб, Марв, Бухоро,



Хўжанд, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ҳам бундай фан уйлари барпо қилинди.

Ўн бешинчи асрга келиб Мирзо Улуғбек Самарқандда академия ташкил қилди. Унинг қошида расадхона, кутубхона ва олий ўқув юртлири — мадрасалар бўлиб, мадрасада диний фанлар билан бир қаторда дунёвий фанлар ҳам ўқитилар эди.

Булардан ташқари, Ўрта Осиёда инсоният тамаддуни тараққиётига улкан ҳисса

қўшган қомусий олимлар, жумладан, Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Аҳмад Сарахсий, Имом Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Мансур Мотуридий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жо-



мий, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Бобораҳим Машраб каби кўплаб мутафаккирларнинг фалакшунослик, математика, фалсафа, тиббиёт, кимё, мусиқа, тилшунослик ва бошқа соҳалардаги илмий тадқиқотлари, кашфиётлари бутун дунёда илм-фаннинг янги тармоқлари пайдо бўлишига, айрим фан соҳаларининг юқори босқичга кўтарилишига олиб келди.

### Маданият

Таълим ва фан соҳаларида дунё тараққиётига юртимиз қўшган ҳиссани қисқача кўриб чиқдик. Энди маданият соҳасига бир кўр кўз ташлаймиз.

Ислом дини ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир этди. Ибодатларни адо этиш учун алоҳида жойларга эҳтиёждан аста-секин катта-катта масжидлар қурила бошлади. У меъморий ёдгорликлар даврнинг тош китоби бўлиб тарихда қолди. Илм-фан ўчоғи бўлмиш мактаб, мадраса бинолари ҳам масжид биноларидан ўзиб ўтди. Уларнинг меъморий ечимлари тобора ранг-баранглашаверди. Бу ҳол юрт маданиятининг узвий

қисми — меъморлик санъатининг шаклланишига сабаб бўлди.

Меъмор ва усталаримиз IX-X асрлардан бошлаб яратган буюк меъморлик ва санъат обидалари ҳозиргача фақат бизни эмас, балки минглаб меҳмон-сайёҳларни ҳам ҳайратга солиб, лол қолдирмоқда. Марказий Осиёда бунёд этилган бутун архитектура ва санъат обидалари Ислом дини анъаналари асосида бунёд этилганини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Машҳур сайёҳ Ибн Батута: “Меъморий ёдгорликлар даврнинг тош китобидир”, деган эди. Бугунги авлод бу «тош китоблар»дан ўтмиш аجدодларимиз меъморий маданиятда юксак маҳоратга эга бўлганларини ўқиб олиши қийин эмас.

Бугун диёримизда 246 дан зиёд меъморий ёдгорлик қимматбаҳо мерос сифатида қадрини топяпти. Ҳолбуки, кечаги мустабид тузум халқимиз меъморий маданиятини эътироф этмай, аксинча, доимо камситиб келди. Натижада буюк маданият қаровсиз, ташландиқ ҳолга келтирилди. Мустақилликка эришганимиздан кейингина, барча соҳаларда бўлгани каби, исломий маданиятимизнинг ривожини учун ҳам янги имкониятлар очилди. Қадриятларимизга, муқаддас динимизга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, урф-одатларимизни, тарихий, илмий, маданий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Имом Бухорий мажмуаси қурилди, Хожа Аҳрор Валий масжид ва мақбаралари қайта тикланди, Бурҳониддин Марғиноний ва Имом Мотуридий номлари эъзозланди, шарафларига ёдгорликлар барпо этилди. Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Масжиди Калон ҳамда Қарши шаҳридаги Кўкғумбаз масжиди катта таъмирдан чиқарилди. Айниқса, яқингинада Тошкентимиздаги Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуасининг барпо этилиши, жуда қисқа муддатда бу ерда катта жомеъ масжид қурилиб, намозхонларга топширилиши қувонарли иш бўлди. Бугун ушбу маскан зиёратига келган юртимиз фуқаролари ҳамда хорижий сайёҳлар Тошкент шаҳри ҳақиқатан ҳам Ислом маданияти пойтахти бўлишига лойиқ эканига иқрор бўлишмоқда.

Абдулҳай ТУРСУНОВ,  
ЎМИнинг Наманган вилояти вакили

# АЛЛОҲ ТАОЛО МАРҲАМАТЛИ ЗОТ

## Ота-она ростгўй бўлсин

Ота-оналар ҳаётлари давомида фарзандларига намуна бўлсалар, улар келажакнинг уста меъморларига айланадилар.

Болаларнинг беғубор ҳаракатлари, истаклари, болаларча сўзлари замирида баъзан жуда жиддий, жуда буюк, гўзал ниятлар ва ғоялар бўлади, аммо минг афсус, кўп ота-она буни тушунмайди. Тушунмагани боис кўпинча бола билан зиддиятлар пайдо бўлади, гап боланинг бебош бўлиб бораётганига тақалиб, низо чиқади ёки барчасидан кўз юмилиб, эътиборсиз қолади. Буларнинг барига тушунмовчиликлар сабаб бўлади. Бу ҳол боланинг шахсиятига таъсир ўтказиши. Болалар вояга етгач, баъзилари манман, пасткаш, ўзбилармон, дангаса, текинхўр кимсаларга айланади.

Бола тарбиясига оид бирорта жиддий китоб ўқимаган ва ё ўқмаган оналар комил фарзанд тарбиялай олмайдилар.

Қуръони карим кўпроқ ўқилса, Пайгамбаримизнинг (сол-

лаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатлари теран ўрганилса, фарзанд тарбиясида яхши натижаларга эришиш мумкин бўларди.

Саид МУРОД

## “Ташхис”

Учинчимга ҳомилали бўлганимда дўхтирлар ўлим хавф солишини айтишди. Бу “ташхис” дард устига чипқон бўлди. Миямдан бу “ташхис”ни чиқаролмай

қийналдим. Куну тунларимни не-не азоблар билан ўтказдим. Болаларимнинг мунчоқ-мунчоқ кўзларига тикилиб, юрак-бағрим эзилиб йиғлайман. Қайси она бундай жудоликка чидай оларди ахир?!


Хаёлларим мени буткул жинни қилаёзди. Ҳеч кимга дардимни айтолмайман.

Туғруқ кунлари яқинлашгач, ўлим кўз олдимда гавдалана бошлади. Туғруқхонага кетатуриб, яшириб, тахлаб қўйган кафанликларни онамга узатдим:

мушқ ҳиди анқиб турган оппоққина сурплар. Узатяпману қўлларим қалтирайди, кўзимдан дув-дув ёш оқади. Қий-чув қилиб ҳовлини тўлдирган болаларимни бир-бир бағримга босдим. Машинага чиқаётганимда онамнинг дуолари қулоғимга чалинди: “Аллоҳим марҳаматли Зот, Унинг ўзи осон, енгил, чиройли қилсин...” Омин, дедим...

Ноумид фақат шайтон. Аллоҳнинг марҳамати ила яна ўғил кўрдим — осон, енгил, чиройли... Ўзим ҳам соппа-соғман...

Моҳигул,  
Шаҳрисабз



# БАНГЛАДЕШ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ



Осиёнинг жанубий қисмида жойлашган бу мамлакат аҳоли сони ва ҳудуди жиҳатидан қитъанинг йирик давлатларидан саналади. Бенгал қабилалари қуйи Ганг водийида милоддан аввалги 1000 йиллар атрофида пайдо бўлишган. Кейинчалик Ванга (Бенгалия) давлати ташкил топади. Саккизинчи-ўн иккинчи асрларда ягона Бенгал давлати мавжуд эди.

Ўн олтинчи асрга келиб, Бангладеш бобурийлар сулоласи қўл остига ўтди. Мамлакатда Ислом динининг кенг тарқалиши айна шу даврларга тўғри келади. Бобурийлар даврида мамлакатда илм-фан, маданият ривожланди, ҳаммани лол қолдирувчи мухташам меъморий обидалар барпо қилинди, аҳолининг турмуши фаровонлашди.

Ўн саккизинчи асрга келиб, бу ҳудудга Анг-

*Майдони:* 143998 кв.км.  
*Аҳолиси:* 133500 минг киши

*Пойтахти:* Дакка шаҳри  
*Тузуми:* Буюк Британия бошчилигидаги Миллатлар ҳамдўстлигига кирувчи парламент республикаси

*Давлат бошлиғи:* президент


*Маъмурий тузилиши:* 19 округни бирлаштирган тўрт вилоят.

*Йирик шаҳарлари:* Читтагонг, Кхулна. Ражахи.

*Пул бирлиги:* така.

лия мустамлакачилари кўз олайтира бошлашди. 1757 йил Плесси яқинида бўлган жанглардан кейин мамлакат инглиз босқинчилари тасарруфига ўтди.

1947 йили Ҳиндистон мустақилликка эришиб, икки давлатга бўлиниб қолиши натижасида Шимолий Бенгалия ҳудуди Покистонга



ўтиб кетди. “Бенгаллар замини” Бангладеш 1971 йили мустақил «Халқ Республикаси» деб эълон қилинди. Орадан тўрт йил ўтиб, мамлакатни ҳарбийлар эгаллаб олишди ва ҳарбий ҳолат жорий қилинди. 1978-1979 йилларда фуқаролик бошқаруви амал қилди. Бироқ орадан уч йил ўтиб, ҳарбий тўнтариш бўлди ва мамлакатда яна ҳарбий тартиб ҳукмронлиги бошланди. Бу ҳолат саккиз йил давом этди. Ниҳоят, 1996 йилга келиб, бетараф ҳукумат ҳокимиятини қўлга олди.

Бангладеш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таснифига кўра, иқтисодий жиҳатдан дунёда энг кам ривожланган ўлкалар қаторига киради. Унинг иқтисодиёти асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Кўпроқ тамаки, чой, каноп, шакарқамиш, шунингдек, шоли, буғдой, дуккакли экинлар экилади. Саноатнинг тўқимачилик, қоғоз, шакар, маъданли ўғит ишлаб чиқариш тар-



моқлари кенг ривожланган. Каноп тайёрлаш мамлакат саноатида етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, бу ерда металлсозлик, пўлат эритиш, семун, нефтни қайта ишлаш заводлари, кемасозлик, озиқ-овқат, радио ва автомобил йиғиш корхоналари ҳам мавжуд.

Бангладеш Халқ Республикаси четга асосан хом каноп ва ундан тайёрланган маҳсулотлар, тери ва тери буюмлари, кийим-кечак, чой чиқаради. Хориждан эса хом нефт ва нефт маҳсулотлари, оғир машинасозлик маҳсулотлари, транспорт ускуналари, дори-дармон, пахта толаси, буғдой сотиб олади. Кўпроқ Буюк Британия, АҚШ, Япония, Сингапур каби мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқалари ўрнатган.

Мамлакат аҳолисининг 98 фоизи бенгаллар. Булардан ташқари мамлакатда ассам-бирма халқлари таркибига кирувчи оз сонли майда миллатлар ҳам яшайди.

Бангладеш ҳудуди милодий ўн иккинчи аср охирида Деҳли султонлигига қўшиб олинганидан сўнг бу ерда Ислом дини тарқала бошлади. Ҳозирги вақтда мусулмонлар мамлакат аҳолисининг салкам 87 фоизини ташкил этади. Уларнинг кўпи ҳанафий мазҳабиغا мансубдир. Аҳолининг озгина қисми (йигирма мингга яқин



киши) шиалардир. Бундан ташқари ўн икки фоиз аҳоли ҳиндикуйлик ва тўрт юз мингдан ортиқ киши буддавийлик тарафдори.



«Мусулмонлар лигаси» ва «Ислом демократик лигаси» каби ташкилотлар мамлакат ҳаётида сезиларли мавқега эга ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилади.

Бангладеш Ислом Конференсаси Ташкилотининг аъзосидир. Мамлакатда минглаб масжид, Ислом университети ва кўплаб мадраса ишлаб турибди. Республика пойтахти Дакка шаҳрида етти юздан ортиқ масжид бор. Бангладеш бетакрор меъморий услуб ва ечимга эга бўлган ноёб масжидлари билан фахрлана олади. Читтагонгда ўн иккинчи асрда қурилган «Қадами муборак» ва ўн еттинчи асрда барпо қилинган Жомеъ масжидлари, Даккада 1680 йили тикланган Сат Гумбаз ва ўн саккизинчи асрда бунёд этилган «Юлдузли масжид» каби жомелар мамлакат мусулмонлари фахрига айланган.

**Аҳмад МУҲАММАД**

*Манбалар:*

“Страны мира”, справочник, Москва, 2003 г., стр. 145-147.

“Атлас мира”, справочник, Москва, 2003 г., стр. 57.

“Ислом”, справочник, 316-317-бетлар.

Интернет сайтлари.



— *Муҳаммад Али ака, Сизни халқимиз тарихчи адиб сифатида яхши кўради. Айниқса, кейинги йилларда тарихий шахсларнинг бадиий сиймосини яратиш йўлидаги интилишларингиз бўртиб кўзга ташланмоқда...*

— Тўғри, тарихий мавзуларда қалам тебратишни яхши кўраман. Чунки тарих буюк бир китобдир, уни доим мутолаа этмоқ лозим. Айниқса, бизнинг тарихимиздақа тарих дунёда кам топилади. Унинг қадрига етишимиз керак. Улуғларимиз она юртимизни Аллоҳнинг назари тушган ер дейишлари бежиз эмас. Аввало, юртимизнинг икки дарё орасида жойлашиши эътиборли. Жаҳон тарихидан маълум, дарёлар бўйларида жойлашган юртларда маданият ривожланган бўлади. Бунга мисол қилиб дунёдаги Дажла ва Фурот, Нил, Итил (Волга), Миссисипи, Амазонка ва ҳоказо дарёлар номини келтиришимиз мумкин.

ўтроқ ҳаёт ва маданий турмуш қарор топди, шаҳарлар бунёдга келди.

Шаҳарлар маданиятнинг барқ урган масканлари сифатида қадрли. Йил ора улуғ шаҳарларимизнинг бўлиб ўтаётган тўйларига эътибор беринг. Бари бу заминнинг, унда яшаётган халқнинг қадимийлигини исботлаб турибди. Шу йилнинг ўзида икки шаҳримиз — Самарқанд 2750 ёшини, Марғилон 2000 ёшини байрам қилади.

Аллоҳга шукр, улуғларимиз ҳақида ҳар қанча ошиб-тошиб гапирсак ҳам, уларнинг хизматларини айтиб адо этолмаймиз. Муҳаммад Хоразмийдан бошлаб Ҳабиб Абдуллагача ўнлаб, юзлаб аллома, шоир, адиб, муаррих, буюк давлат арбоблари, саркардалар ўтганки, уларнинг ҳар бири жаҳон тарихидан ўзига муносиб ўрин талаб қилишга ҳақлидир.

## ОЛАМШУМУЛ ҲАҚИҚАТЛАР

Турли даврларда Ўкуз (юнонлар шундан олиб «Окс» дейишган) ва Энчи-ўкуз, Амул ва Яксарт (баъзан Танаис), Жайхун ва Сайхун деган номлар билан аталган Амударё ва Сирдарё ана шундай қутлуғ дарёлардан ҳисобланади. Шу сабабдан бу музофотда (қарангки, унинг ҳам номлари кўп: Турон, Моваруннаҳр, Туркистон) қадим замонлардан бери

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

Шу заминнинг фарзанди, шу озод Ватаннинг бир фуқароси сифатида мана шундай тарихдан сабоқ олиш, ифтихор қилиш туйғуси қўлимга қалам тутқзади. Тарихимизни теран ўрганишга имконлар яратиб берган мустақиллигимиз шукронаси сифатида улуг

сиймолар ҳаёти ҳақида севиб ўқиладиган асарлар ёзиш энг ёруғ орзуларимдандир. Ҳозирча Спитамен, Соҳибқирон Амир Темур, сарбадорлар, Мирзо Улуғбек, Бобораҳим Машраб, Дукчи Эшон сиймолари билан ўқувчини яқиндан таништириш борасида озми-кўпми ишлар қилдим.

— *Тарихчи адибнинг тарихий давр ва ўтганлар сиймосини яратиш борасидаги асосий манбаси ва мезони нималардан иборат? Бундаги адиб масъулияти ҳақида ҳам гапирсангиз.*



— Бир қарашда, тарихий асар ёзиш осондек туюлади, чунки бир эмас, икки, уч, ҳатто ундан кўп муаррих бу даврлар ҳақида тафсилотлари билан ёзиб кетган, улардан парчалар олиб, ора-орада воқеаларни бир оз бадиийлаштиришга эришилса, кифоя — тарихимиз ҳақидаги асарларга чанқоқ ўқувчи астойдил қабул қилади, деб ўйлаш мумкин. Лекин бу нотўғри тушунча, бундай қилинса, ёзилган нарса расмий тарихнинг қайдномаси бўлиб қолади. Ўқувчига эса бадиий асар керак.



Замонавий мавзудаги асарларнинг асоси албатта, ҳаётдан олинади, том маънода ҳаёл маҳсули сифатида пайдо бўлиши исбот талаб этилмас бир гап. Лекин тарихий мавзуда асар

да тарихий манзара ярата туриб, қаҳрамонлар сиймосини тиклар экан, уларнинг ички дунёсини самимий ифода қилиши, уларни Инсон сифатида кўрсата олишдир.

## ЯШИРИНГАН ТАРИХ БУ...

*Муҳаммад АЛИ билан суҳбат*

ёзган адиб бундай қила олмайди. У тарихий фактларни, замон ва маконни аниқ кўрсатиши керак, аммо бадиий тўқимасиз у ҳам иш кўролмайди. Асарнинг гоёси, муаллифнинг ижодий ниятидан келиб чиқиб, айрим тарихий фактлар, киши номлари ва ҳоказолар ўзгартирилиши мумкин, лекин бу ўзгариш юз берган воқеалар ҳақида умумий тарихий тасаввурга путур етказмаслиги лозим. Адибнинг асосий вазифаси маълум маълумотлар асоси-

Тарихдан маълум, Амир Темур мамлакат сарҳадида бостириб кирган Жета қароқчиларини бартараф этиш учун Ўзган томонларга боради ва душманни қувиб юборгач, оғир бетоб бўлиб ётган ўғли валиаҳд Жаҳонгир Мирзо билан тезроқ дийдорлашгани Самарқандга ошиқади. Шаҳарга кирганида ҳамма уни қора кийимда, мотам либосида кутиб олади: валиаҳд оламдан ўтган эди... Бу тарихий фактнинг ўзи. Унинг бадиий ифодаси қандай бўлиши керак? Адиб умумий мотам ҳолатини тасвирлаши, фарёд чекаётган ма-

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад АЛИ 1942 йили Андижон вилояти Бўз туманида туғилган. 1966 йили Москвадаги Адабиёт институтини тугатган. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида, Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасида ишлади. 1976 йили ёшлар иттифоқи мукофоти, 1984 йили Бердақ

номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди. 1992 йили унга Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони берилди. Шу йили филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. 1999 йили "Меҳнат шўхрати" ордени билан, 2006 йили "Мустақилликка 15 йил" кўкрак нишони билан тақдирланган. Ўттизга яқин назмий, насрий, пуб-

лицистик ва таржима китоблари нашр этилган. Асарлари жаҳоннинг йигирма бешдан ортиқ тилларига таржима қилинган.

Ҳозир халқаро Амир Темур жамғармаси раиси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши раҳбари вазифаларида хизмат қилади.

ликалар ва амирзодалар руҳиятини, кўнгил изтиробларию жудалик аламларини таърифлаб бериши керак. Асарни ўқиганида бу “дард” ўқувчига юқсин ва у мусибатда қолган маликаларга, бағри увалган Соҳибқирон дардларига шерик бўлаётганини теран ҳис этолсин...

Тарихга ёндошишда, умуман, асар ёзишда адибнинг масъулияти жуда катта. Кўлига қалам олган ҳар қандай адиб ўқувчилар (халқ) ичида ундан ўн, юз чандон ақллироқ, фаросатлироқ кишилар борлигини асло унутмасин. Асар ёзганида, айниқса, тарихий мавзуга қўл урганида, албатта, Куръони каримни, ҳадисни, Ислом тарихини яхши билмоғи лозим, чунки Каломуллоҳ динимизнинг, маданиятимизнинг асосини ташкил этади. Уни билмай туриб қўлга қалам олган ёзувчи яхши иш қилишман деб гуноҳга ботиши мумкин.

— *Асарларингизнинг катта қисми Самарқанд тарихи ҳақида, десак хато қилмаймиз.*

*Яна келдим, эй Тарих бобо,  
Яна сенга даъво қилурман.  
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво —  
Ҳақиқатнинг йўли билурман...*

Халқимизнинг ҳаққини тарихдан талаб қилиб чиқиш у пайтлар жуда мураккаб жараён эди. Насрда ёзилган илк асарим “Сарбадорлар” (1989) дилогияси Самарқанд сарбадорлари ҳаётига бағишланди. Унда Темурбекнинг 24–30 ёшлардаги ҳаёти, юрт амирларининг бошларини бирлаштириб, улкан давлат тузиш ташвишу орзулари билан юрган йиллари қаламга олинган. Воқеалар ўрта асрда Самарқанд шаҳрининг Наддофлар ва бошқа маҳаллаларида бўлиб ўтади. 1999–2006 йилларда ёзилган “Улуғ салтанат” номли тарихий дилогияда Амир Темур Турон давлатининг пойтахтига айлантирган жаҳоншумул шаҳар, унинг атрофидаги боғлар таърифланади.

Афросиёбдаги қазилма ишлари, Самарқанд ҳақидаги, Амир Темур ва теурийлар даврига оид тарихий манбаларнинг чуқурроқ ўрганилиши, янги-янги илмий ишлар нашр этилиши қадимий шаҳар тарихини бизга анчагина яқинлаштирди. Буларнинг бари таҳсинга сазовор ишдир. Фикримча, ҳали Самарқанднинг бой ва бетакрор тарихи, табаррук замини яна узоқ йиллар ўқиб-ўрганиш, изланишларни талаб этади. Бу тарих ўз қатида оламшумул ҳақиқатларни яшириб келаётганига шубҳа йўқ. Вақти билан бу ҳақиқатнинг очилиши халқимиз ҳақида тасаввурни кўркамлаштиради.

— *Ҳозир Сиз бошқариб турган халқаро Амир Темур жамғармаси ҳақида бир-икки оғиз сўз айтсангиз...*

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг, Аллоҳга шукрлар бўлсин, тарихимизни чуқур ва теран ўрганиш ишлари донгил йўлга қўйилди. Улуғ сиймолар Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Абу Мансур Мотуридий, Баҳоддин Нақшбанд, Абдухолиқ Гиждувоний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари боларимизнинг табаррук саналари байрам қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги қарорига асосан буюк давлат арбоби Амир Темурнинг

*Юртдошларга, умуман жаҳонга бу йил 2750 йиллиги нишонланаётган Самарқанд тарихининг қайси номаълум саҳифаларини билдириш керак деб ҳисоблайсиз?*

— Рост айтасиз, анчагина асарларим Самарқанд мавзуида битилган. Бу мавзу ижодимнинг бошиданоқ табиий равишда, мени ўзига ром этди. 1967 йили “Гумбаздаги нур” достонини ёздим. У Амир Темур мақбарасининг бунёд этилишига бағишланган, тарих билан хаёлан суҳбатлашиш асосига қурилган асар эди. Куйидаги сатрлар ўша достондан:



ижтимоий-сиёсий меросини, маданият ва маънавият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини чуқур ўрганиш, ёш авлодда миллий ифтихор ва мустақил Ватан туйғусини шакллантириш мақсадида халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси ташкил этилди. Амир Темур фаолиятига оид тарихий манбаларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни нашр этиш, кенг тадқиқотлар олиб бориш, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига ёрдам бериш, ёш авлоднинг маънавий-маданий камол топишига, унда мустақил Ўзбекистон Республикаси истиқболдан фахрланиш ва ватанпарварлик туйғусини тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, мамлакатимиз олимлари, адабиёт ва маданият арбобларининг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда кенгайтириш жамғармаимизнинг асосий вазифалари қилиб белгиланган. Таъкидлаш жоиз, ЮНЕСКО томонидан Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Парижда “Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши” мавзуида ҳафталик ўтказилиши маданий ҳаётимизда катта воқеалардан бири бўлди. Унда “Темурийлар уйғониш даври” кўргазмасининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ёрқин нутқ сўзлади.

Жамғарма фаоллари яқин уч-тўрт йил ичида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Навоий, Фарғона, Қарши шаҳарларида Амир Темур ва темурийлар даврига бағишлаб илмий анжуманлар ўтказди. Жамғарма илмий кенгаши қарори билан “Темур тузуклари” нодир ёдгорлиги нашр этилди, “Амир Темур ва темурийлар сулоласи молия-пул сиёсати” (муаллиф И.Тўхтиев) номли Амир Темур даврига оид юзта, йигирма дона мустақил Ўзбекистоннинг, жами 120 нодир танга тасвирдан иборат албом-китоб чоп этилди. Навбатда “Амир Темур олам нигоҳида” номли илмий-маърифий китоб нашр қилишни режалаштирганмиз.

Яқинда Фарғона шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Фарғона политехника институти, Фарғона давлат университети ва Қўқон давлат педагогика институти билан ҳамкорликда Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи олдидан “Буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темурнинг темурийлар даврида бунёдкорлик, маданият ва илм-фан тараққиётида



тутган ўрни” мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

— *Фурсатдан фойдаланиб, “Ҳидоят” журнаliga тилакларингизни билмоқчи эдик...*

— Журнални доим кузатиб бораман. Янги сонини интиқлик билан кутаман. Жуда истараси иссиқ журнал, дарров ўзига жалб этади. Албатта, бунинг тагида журнал ижодий жамоасининг тинимсиз изланишлари, меҳнатлари ётади. Журналда турли мавзулардаги мақолаларнинг ихчам бериб борилиши жуда маъқул. Диний, маърифий, илмий-адабий маъноларда ўқувчига янги-янги маълумотлар тақдим этилади. Мен журнални, айниқса, қалам аҳли кўпроқ мутолаа этишларини истардим. Чунки журнал ўқувчига том маънода билим беради.

— *Сизга Аллоҳдан сиҳат-саломатлик, ижодингизга барака тилаб қоламиз.*

**Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ**  
суҳбатлашди



### Тотувликнинг асоси

Эр билан муросою мадо-рада яшаш учун аёлларимиз куйидаги икки нарсага амал қилишлари зарур:

1. Аёл эрининг табиати-ни, феълени ва хулқини би-лиши ва шунга қараб муома-ла қилиши керак. Масалан, эри нимадан кўпроқ хурсанд бўлса, ўшани қилиш ва қан-дай нарса ғашини келтирса, уни қилмаслик пайида бўлиши зарур. Эрининг ода-тини билиш ва шунга асос-ланиб иш юритиш тотувлик-нинг муҳим омилidir.

2. Вафодор, садоқатли ва ишбилармон аёллар ҳақида-ги ҳикоя, шеър ва дoston-ларни кўп ўқиши, эшитиши лозим. Ёмон хулқли ва уят-сиз аёлларнинг қилмишлари ва бу қилмишлар оқибатида турли-туман балоларга йўлиққанлари ҳақидаги ҳикоялардан ибратли хулоса-лар чиқара олиши керак.

**Олима БАНОТ**

# БАХТ ҚАСРИНИНГ ЭШИГИ

### Аслият

Бир куни бекатда автобус кутиб ўтирган эдим. Қанча вақт ўтса ҳам, автобусдан дарак бўлмади. Ўқишга кечикаётганим боис бетоқат бўла бошладим.

Шу пайт бир онахон оҳиста қадам босиб бекатга яқинлашди. Унга жой беришга чоғланиб, ўрнимдан турдим. Аммо хаёлим ишда бўлиб, салом беришни унутибман. Шунда онахон: «Қизим, фалон автобус ўтма-

туйгандек бўлдим. Миямдан «Жаннатий одамлар шундай бўлишса керак», деган ўй ўтди. Бир ҳадиси шариф мазмуни ёдимга тушди: «Сизлар кимни яхши деб баҳоласаларинг, унга жаннат вожиб бўлади. Кимни ёмон деб атасаларинг, унга дўзах вожиб бўлади. Зеро, сизлар Аллоҳ таолонинг ердаги гу-воҳларисиз» («Минг бир ҳадис»дан, Т.:1991, 125-бет).

Онахон нигоҳларини бир

\* \* \*

*“Одамлар ичида хотинга энг ҳақлироғи унинг эридир. Эр кишига одамларнинг ҳақлироғи онасидир” (Ҳоким ривояти).*

\* \* \*

*“Аллоҳ таоло покдир, покликни яхши кўради, У тоза-дир, тозаликни яхши кўради, У сахийдир, сахийликни яхши кўради... Ҳовли, саҳн ва турар жойларингизни тоза ту-тинглар” (Термизий ривояти).*

дими?», деб сўради. Жавобимни айтиб, бир зум юзига тикилиб қолдим. Онахоннинг нурли юзида сокинлик, мунислик барқ уриб турар эди. Хатти-ҳаракатлари ҳам виқорли. Автобус келадиган томонга бот-бот қараб кўяр эди. Салом бермаганим учун энди ўзимни койий бошладим. Нурли чеҳрасига тикилиб қарар эканман, ажиб бир ифор

нуқтага тикиб, сўз бошлаб қолди:

- Аллоҳ етказиб, шу йил ўғлим мени ҳажга олиб борди. Макка кўчалари бирам файзли. Одамлари ҳам инсофли, диёнатли. Пайғамбар (алай-ҳиссалом) юртлари барибир бошқача-да! У ерда турганингизни ҳис қилсангиз, қалбингиз ором оларкан. Каъба атрофида оппоқ либосли

мўминалар қаторида турдим. Тавоф қилдим. Дунёнинг турли ёқларидан келган мусулмонларнинг бир оиладек бўлиб, Аллоҳга ибодат қилиши... Буни таърифлаб бўлармиди, болам. Мадина шаҳрини кўрдим. Расулуллоҳнинг (алайҳиссалом) равзаларида бўлдим. У зотга салом бердим, сўзлашдим... (Онахоннинг кўзлари ёшланди). Аллоҳим шундай бахтни насиб

қилди. Барака топкур ўғлимнинг бошгинаси омон бўлсин, армоним қолмади...

Онахон мени ўзига яқин олиб айтаётган бу сўзлар гўё унинг юрагидан оқиб, менинг қалбимга қуйилар эди. Дилимда автобуснинг кечроқ келишини истардим. Онахоннинг дийдорига кўпроқ тикилгим келар, бу нурли сиймони шунчаки бекатда қолдиргим келмасди.

«Дунёда ҳеч нарса беҳикмат эмас, ҳар куннинг ҳам ўз ҳикмати бор», деб уқтирардилар раҳматли отам. Шу топда автобуснинг кечикиши онахонни учратишимга сабаб бўлди. У билан дийдорлашганимдан қалбим титроқда, кўнглим тўлиб, руҳимда аслиятга талпиниш уйғонган эди. Бу ҳодисани менга бир ҳикмат қилган Аллоҳга шукроналар келтирдим.

## ЯШАШ АСЛИДА ОСОН

Ўқишга борар-келаримда ҳар гал Чорсу бозори яқинидан ўтаман ва бир манзара доим дилимни хира қилади. Эрталабки ё ўқишдан кейинги яхшигина кайфиятим сўнади-қолади. Аслида чексиз ҳурматга лойиқ бўлган аёлнинг ва аёлликнинг бу қадрсиз суврати юрагимни вайрон қилади...

га ташланиб қолишлари шунчалар хунукки, беихтиёр гувоҳ бўлиб қолганингиздан хижолат тортасиз...

Бу дунёда чиройли сўзлар кўп: муҳаббат, садоқат, ҳалоллик, назокат, қаноат... Булар инсон умрининг безаги ҳамда ҳаётга ҳаловат бахш этувчи хислатлардир. Шўрлик аёл шулар билан кифоялан-

шунчалар қийин? Чиройли кийиниш, яхши ейиш, бўйинга «тросс» тақиш, қулоқ ва қўлларга олмос кўзли олтинларни илиш наҳот шунчалар тубан кетишларга арзиса?! Булар ҳаммаси қаноатсизликдан, маънавий қашшоқликдандир. На-тижа нима бўлади?

Ўйлаб кўрилса, турмушнинг ички жиловни аёлнинг қўлида. Сабр билан, тадбир билан уни нурли манзилларга элтиш ҳам ёки, аксинча, ҳаддан ошиш билан, сабрсизлик билан фалокатга йўлиқтириш ҳам кўпинча аёлга боғлиқ. Турмушнинг озгина қийинчиликларидан озурда бўлавериш оқила аёлнинг иши эмас. Тўқликдан кибрланмай, йўқликни билдирмай ибрат кўрсата олсак эди, эртага болаларимиз, демакки, бутун жамиятимиз янада чиройли ҳаёт ўзанига тушиб оларди.

Муҳтарама аёллар, кўзимизни очайлик, аҳволимизни, юриш-туришимизни бир текшириб кўрайлик.

Қўшсаҳифани  
Зебунисо ҲУСАЙН қизи  
тайёрлади

\* \* \*

**Оқила аёл ўз бахтининг меъморидир. У энг олдин тадбирли уй бекаси, Аллоҳ амрларига бўйинсунувчи, сўнг яхши онадир.**

\* \* \*

**Аёллар учун энг биринчи таянч — ҳаёси; иккинчи таянчи — меҳнатсеварлиги; учинчи таянчи — қадрига етувчи эркак. Шу уч таянч билан аёл бахт қасрининг эшигини очади.**

“Аёл ҳикмати” китобидан

Турли ёшдаги хотин-қизлар тўп-тўп бўлиб олиб, эртадан кечгача даромаднинг дарагини пойлаб, латиф умрларини увол қилдилар. Ширин сўз учун яралган тиллари баъзан юрак-бағирларни яраловчи заҳарли қуролга айланиб, ўзларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам юзларидаги ҳаё пардасини йиртиб ташлайди. Айниқса, туйқус бир-бирлари-

са, обрў, мартаба, бойлик, баландлик каби дунё васвасаларига интилиб умрини со-вурмаса эди, яшаш унча қийин эмаслигини биларди. «Аёл» сўзининг ҳам, ўзининг ҳам хунук ва қадрсиз бўлишида бу талвасаларнинг «хизмати» катта, ахир.

Аёл бахти ва хотиржамлиги учун нима керак? Наҳот ўз мавқеида арзителиб яшаш

Ҳолид Муҳаммад ҲОЛИД

# ҲУБАЙБ ИБН АДДИЙ

Ҳубайб ибн Адий. Мадинанинг Авс қаби-  
ласидан эди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)  
улар юртига ҳижрат қилган кундан бошлаб  
ёнларига келиб-кетиб юрди ва кўп ўтмай  
оламларнинг рабби Аллоҳ таолога имон кел-  
тирди.

У Исломо шоири Ҳассон ибн Собит таъ-  
рифлаганидек:

*“Ансорлар ичра бир бургут эди,  
Яхши хулқли, пок насабли йигит эди...”*

Бадр жангида юзма-юз келган мушриклар-  
дан бири Ҳорис ибн Амр ибн Навфални енг-  
ди. Жанг тугаб, Қурайш қўшини Маккага қоч-  
ганида Хорис ўғиллари оталари ўлимидан ха-  
бар топиб, уни ўлдирган мусулмоннинг ис-  
мини эслаб қолишди: Ҳубайб ибн Адий!

\* \* \*

Мусулмонлар Бадр газотидан Мадинага  
қайтишди.

Ҳубайб обид ва зоҳид инсон эди. Қалбида  
зоҳидлар табиати ва обидлар нияти мужас-  
сам эди. У Мадинада чин дилдан ибодатга  
берилди. Тунлари намоз ўқир, кундузлари рўза  
тугар ва Аллоҳдан мағфират сўрар эди.

Бир кун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи  
ва саллам) Қурайшнинг сирларидан, тай-  
ёргарликларидан хабар топиш, яна урушиш  
ниятлари бор-йўқлигини билиб келиш учун  
саҳобаларидан ўн кишини танладилар. Осим  
ибн Собит бошчилигидаги бу саҳобалар ора-  
сида Ҳубайб ҳам бор эди.

Гуруҳ йўлга чиқди. Макка билан Афсон

ўртасидаги бир жойга етганла-  
рида Ҳузайл қабиласининг  
Бани Ҳаййон деган уруғига  
уларнинг йўлга чиққани ҳақида  
хабар етиб келди. Мушриклар  
энг мерганларидан юз кишини  
олиб, гуруҳ изидан тушишди.

Агар душманлардан бири  
қумда ётган хурмо данагини  
кўрмаганида, балки уларни  
топа олмаган бўлишарди. Уша  
одам данаклардан бирини  
олиб, арабларга хос синчков-  
лик билан тикилиб қаради.  
Кейин эса атрофдагиларга  
бундай деди:

“Бу Ясриб (Мадина) дана-  
ги. Уларни топишимиз учун





мана шу тўкилган данаклардан кўз узмай бо-ришимиз керак”.

Ердаги хурмо данакларидан из олиб, юра бошлашди. Сўнг узоқда мусулмонларни кўришди.

Осим ибн Собит изларидан мушриклар тушганини билгач, дўсларига тоғ чўққиси-га чиқишни буюрди.

Душманнинг юзта мергани тоғ атрофини ўраб олди. Мусулмонларга асло зарар етказ-масликларини айтиб, таслим бўлишга ун-дашди. Мусулмонлар Осим ибн Собит ёнига тўпланиб, унинг амрини кутишарди.

Осим бундай деди:

“Аллоҳга қасам, мушрикларнинг қўлида асир бўлишни истамайман. Аллоҳим, биз-нинг аҳволимизни пайғамбарингга билдир”. Шу пайт душманлар уларни ўққа тута бош-лашди. Осим ва етти нафар шериги шаҳид бўлди.

Душманлар бошқалар таслим бўлишса, жонлари омонда қолишини айтиб, пастга тушишга даъват этишди.

Уч киши: Хубайб ибн Адий ва унинг икки дўсти тоғдан тушди.

Ўқчилар Хубайб ва дўсти Зайд ибн Доси-нани боғлашди.

Учинчи мусулмон ваъдага хиёнатни се-зиб, аввалги дўслари каби фидойилик йўли-ни танлади.

Хубайб билан Зайд қанчалик уринишма-син, арқонларни еча олишмади. Хоин ўқчи-лар иккала мусулмонни Маккага олиб бо-риб, мушрикларга сотишди.

Мушриклар тилида «Хубайб» исми жа-ранглади.

Ҳорис ибн Амрнинг ўғиллари Бадра ўлди-рилган оталарини ёдга олиб, бу исмни эс-лашлари биланоқ юракларидagi адоват жун-бушга келди. Уни сотиб олишга югуришди...

Мушриклар икки гуруҳга бўлинди. Улар-нинг бир гуруҳи Хубайбнинг дўсти Зайд ибн Досинани олиб кетишди.

\* \* \*

Хубайб кўрқувни қувиб, қояларни эри-тувчи сокинлик, мардлик ва ишонч билан дуо ўқий бошлади. Аллоҳ у билан бирга эди.

Хубайбни асирликда сақлаётган уй соҳи-би Ҳориснинг қизларидан бири кунларнинг бирида асир ёнига кирганида кўрган манза-рани одамларга айтиш учун югурди:

“Хубайбнинг бир бош узум еяётганини кўрдим. У занжирбанд. Маккада эса ҳозир уму-ман узум топилмайди. Мен бу узум Хубайбга Аллоҳнинг берган ризқи, дейишдан бошқа бир сўзни айтолмайман”.

Ҳақиқатан ҳам бу Аллоҳнинг солиҳ бан-дасига берган ризқи эди. Худди авваллари Марям бинти Имронга берган ризқи каби:

**«Закариё ҳар гал (Марямнинг) олдига — масжидга кирганида, олдида ризқ (муҳайё) тур-ганини кўрар эди. У: “Эй Марям, бу нарсалар сенга қаекдан келди?” — деб сўраса (Марям): “Булар Аллоҳ ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга беҳисоб ризқ берур”, — деб жавоб берар эди» (Оли Имрон, 37).**

\* \* \*

Мушриклар Хубайбга биродари Зайд ибн Досинанинг ўлими хабарини айтдилар. Бу ха-бардан унинг талвасага тушиб, ўлимнинг даҳ-шатидан кўрқилишини истардилар... Ҳолбуки, Аллоҳнинг марҳамати кенглигини улар би-лишмасди.

Мушриклар Хубайбга имон келтирган Рабби ва Муҳаммаддан воз кечса, озод қилишларини айтишди. Бироқ уларнинг бу гаплари бир ўқ билан куёшни уриб туши-риш каби бесамар ҳаракат эди.

Албатта, Хубайбнинг имони қувватда, оташ ва иссиқликда бамисоли куёш эди.

Ўздан зиё таратиб, қоронғу дилларни ёритар, яхшилик истаган қалбларни иситар эди. Аммо унга ёмонлик истаб яқинлашган-ни қуйдириб ташларди.

Ўз йўриқларига сола олмасликларига ишонч ҳосил қилгач, Хубайбни Танъим деган жойга олиб кетишди. Манзилга етгач, Хубайб икки ракат намоз ўқиш учун изн сўради. Бу намоз Аллоҳ расули билан, дини билан видолашиш, инкор этишга ички тайёргарлик деб ўйлаган мушриклар рухсат беришди.

Хубайб икки ракат намоз ўқиди. Дилида имоннинг лаззатини ҳис қилди. Намозини тўхтовсиз давом эттиришни хоҳларди. Қатл қилмоқчи бўлганларга ўгирилиб, бундай деди:

“Аллоҳ ҳаққи, агар ўлимдан кўрқяпти деб ўйламасангиз эди, яна намоз ўқишда давом этаверардим”.

Сўнг қўлларини кўкка кўтариб, дуо қилди.

Араб тарихида биринчи маротаба уни чор-мих (хочга ўхшатиб ясалган дор)га тортиб ўлдиришди.

Хурмо дарахтидан катта чормих ясаб, Хубайбни унга боғлашди. Мушриклар йиғилиб, хурсандчилик қилишар, ўқчилар найзаларини чархлар эди. Бу ваҳшийликлар чормихга боғланган қахрамонга атайлаб кўз-кўз қилинди. У эса ҳатто кўзини пирпиратмади, юзидан хотиржамлик йўқолмади.

\* \* \*

Хубайб қатл этилган жой яқинида қуш ва бургутлар айланиб учиб юришарди. Улар гўё қассоблар ўз ишини яқунлаб кетгач, тоза жасаддан еб, роҳатланишни кўзлашарди. Бироқ бир оз фурсат ўтиб, қушлар бир жойга тўпланишди. Тортишиб, баҳслашгандай шовқин солишди. Сўнгра осмон бағрини ёриб, узоқларга учиб кетишди.

Гўёки чормихга тортилган жасаддан мўмин ва солиҳ инсон ҳидини олиб, унга яқин келиб зарар етказишдан тортингандек эди улар.

Хубайбни хурмо дарахтидан ясалган чормихга боғлаганларида у кўкка боқиб, буюк Раббига бундай илтижо қилган эди: “Аллоҳим, биз Расулинг келтирган динни тарқатдик, Сен уни бизга қилинган ёмонликлардан хабардор эт”.

Аллоҳга унинг дуосини етди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинада туриб асҳобларининг даҳшатли ўлими хабарини ҳис қилдилар. Улардан бирининг жасади осилиб тургани кўзларига кўринди.

Дарҳол Миқдод ибн Амр ва Зубайр ибн Аввом чақирилди. Улар отларга миниб, шамолдек елдилар. Аллоҳ уларни манзилига етказди. Дўстлари Хубайбнинг жасадини тушириб, уни намли бағрига олишга тайёр турган покиза ерга олиб кетдилар.

\* \* \*

Ҳозиргача ҳеч ким Хубайбнинг қабри қаердалигини билмайди. Ҳар ҳолда, шундай бўлгани тўғри эди. Токи тарих хотирасида у чормихга тортилган илк қахрамон сифатида ёдда қолсин.

**Гулсара  
СОАТХОНОВА**  
таржимаси



Ҳар бир ота-она фарзандини гўзал одоб-ахлокли, хушмуомала қилиб тарбиялаши лозим. Бола боғчада овқат еб, ухлаб кетаверса, ота-она керакли тарбияни у боғчада олади, деб ўйласа, вақт бой берилади. Кузатган бўлсангиз, энди тили чиққан болалар кўча-кўйда ён атрофдаги катталарнинг яхши сўзларидан кўра ёмон гапларини тез илғаб олишади. Уларни гапиришга одатланишади. Бундан болани ҳимоялашимиз керак эмасми?

Фарзандларимиз чин инсон бўлиб шаклланишида ота-онанинг, тарбиячи боғча опалару мактабдаги устозларнинг ўрни, жонкуярлиги беқиёсдир. Ҳозир радио, телевидение, матбуот, замонавий компютерлар ҳам бола тарбиясига жиддий таъсир кўрсатяпти. Бу таъсирни икки хил баҳолаш мумкин:

## ХУЛҚИНГ ГЎЗАЛ БЎЛСИН, БОЛАЖОН

**1. Ижобий томони.** Болалар ҳам дунё воқеалари ва янгиликларидан хабардор бўлишади. Диний ва дунёвий билимларни ўзлаштириш имконияти ортади.

**2. Салбий томони.** Компютер орқали миллий қадриятларимизга зид, ахлоқсиз филмларни кўриш болалар онгини заҳарлаб, хулқлари бузилишига сабабчи бўлаётир.

Мободо фарзандимиз ноҳўя йўлга қадам қўганини, оғзидан ёмон сўз чиққанини, кўпол хатти-ҳаракатлар қилаётганини кўрсак, тез бу ҳолнинг олдини олишга киришайлик.

Тарихда буюк кишилар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Балки фидойиларча берилган таълим-тарбия натижасида етишган улар. Қандай инсонларнинг давомчиси эканини ёшларимиз билишсин, тафаккур қилишсин.

Шу ўринда ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчларини эслатгим келди. Улуғларимиз айтади: Авваламбор, ҳар бир мўмин-муслмон фарзандига яхши исм қўйиши керак. Сўнгра тарбиясига катта эътибор бериши, ҳалол ризқ-насиба билан боқиши жуда муҳим. Болани керагидан ортиқча эркалатишнинг оқибати ҳам хунук бўлиши ҳаётда кўп кўрилган. Болалар ҳаммаша тўғри сўзлашга одатлансин. Аллоҳнинг борлигига ишонтириш, яхши устознинг таълим-тарбиясидан баҳраманд этиш ҳам ота-онанинг ғамхўрлигидир. Шундагина келажак авлод эртасидан кўнгил тўқ бўлади.

**Ҳайдарали НАЗАРОВ,**  
Жиззах педагогика институти  
катта ўқитувчиси

# «ТОШКЕНТ ЎЗБЕК ДИЁРИДАГИ ИСЛОМИЙ МАДАНИЯТ ҚАЛЪАСИ»



Саудия Арабистонида чиқадиган “Ҳаж ва умра” журналининг шу йилги июн сонидан чоп этилган Аҳмад Абу Зайд қаламига мансуб мақола шундай номланган. “Тошкент қадимий исломий маданият ва тарихий осори-атиқаларни асрлар давомида асраб-авайлаб келаётган шаҳар ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам Тошкентда исломий илм ва маданиятларни ёйиш иши билан шуғулланадиган Ислом университети ва бир нечта исломий мадрасалар фаолият юритиб келмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ISESCO қарорига катта маданий янгилик сифатида эътибор қилиб, бу воқеа асрлар оша Ислом маданиятини жаҳонга ёйиб келаётган мусулмон ўзбек халқига фахр ва ифтихор ҳиссини беришини таъкидлаб ўтди”, дейилади мақолада.

Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Ўрта Осиё давлатлари орасида алоҳида ўрин тутиши, аҳолиси диний қадриятларни юқори ўринга қўйиши билан шуҳрат қозонгани, маданият ва илм-фан соҳасида тутган ўрни ҳам мислсиз экани, бу ерда яшовчи мусулмонлар ҳанафий мазҳабига амал қилишлари ва саховатли-меҳмондўст экани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Шунингдек, муаллиф мақолада Тошкентнинг тарихи, аҳолиси, осори-атиқалари, жумладан, Ҳастимом даҳасидаги обидалар, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхо-

насида сақланаётган минглаб исломий китоблар ва нодир қўлёзмалар, хоссатан, Ҳазрати Усмон Муҳаффи ҳақидаги маълумотларни ҳам келтириб ўтади.

Муаллиф Тошкент Ислом маданиятининг пойтахти этиб танланишига асос бўлган икки омил ҳақида тўхталиб, бундай дейди: “Биринчидан, Тошкент азалдан Ислом илми ва маданиятига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насафий, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Бакр Қафқол Шоший, Баҳоуддин Нақшбанд каби мутафаккир алломаларни етиштириб берган юртнинг пойтахтидир. Иккинчидан, бу юрт Ислом меъморлигининг ўзига хос мактабига эга, Самарқанд, Бухоро, Хива, Урганч, Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Фарғона, Тошкент ва бошқа вилоят, шаҳар-туманлардаги қадимий ва навқирон обидалар бунинг ёрқин мисолидир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда улғу алломаларнинг ўлмас маънавий меросларини ҳартомонлама ўрганиш, ундан ўзбек халқини баҳраманд этиш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди”.

**Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
масжидлар ва фатво бўлими мудир



Отабек БОҚОНИЙ

*Сабрни, ҳаёни кийим қил...***Кимлигинг билинар**

Не ишлар қилдинг сен дунёга келиб,  
Ҳаммасига ҳисоб беришинг тайин.  
Неларга эришдинг югуриб, елиб,  
Кимлигинг билинар йил ўтган сайин.

Ёшлик видолашар парво қилмайин,  
Саҳарларда ёлғиз ўйга толарсан,  
Бир куни қўлингга асо оларсан,  
Кимлигинг билинар йил ўтган сайин.

Отангни, онангни этган бўлсанг хор,  
Улардан бахтлироқ яшашинг қийин.  
Яхшиман десанг-да, болангга минг бор  
Кимлигинг билинар йил ўтган сайин

Сабрни, ҳаёни кийим қил, ечма,  
Боболар сўзини сенга айтайин:  
Ҳар қандай ҳолатда имондан кечма,  
Кимлигинг билинар йил ўтган сайин.

Элингга, динингга хизмат қил, укам,  
Ҳурматла, эъзозла камбағал-бойин.  
Ҳаётлик чоғингга билмасалар ҳам,  
Кимлигинг билинар йил ўтган сайин.

**Кечир, Аллоҳим**

Дуога қўл очдим, кўзимда ёшим,  
Онамнинг гуноҳин кечир, Аллоҳим.  
Хизмати олдида эгикдир бошим,  
Онамнинг гуноҳин кечир, Аллоҳим...

Мен учун машаққат чекди нечалар,  
Ухламай чиқди у узун кечалар.  
Хоҳласанг, минг-минглаб гуноҳ кечилар,  
Онамнинг гуноҳин кечир, Аллоҳим.

Сўзларин, юзларин юрак кўмсайди,  
Қанийди ёнимда бир зум бўлсайди.  
Неварасин қучиб кўнгли тўлсайди,  
Онамнинг гуноҳин кечир, Аллоҳим.

Гуноҳлар қилгандир билмай ё билиб,  
Мен узр сўрайман минг бор эгилиб.  
Савоблар йўллайман тиловат қилиб,  
Онамнинг гуноҳин кечир, Аллоҳим.

Бўйсунар ҳукмингга осмонлару ер,  
Жаннат ҳам, оналар пойидаман, дер.  
Илоҳим, онамга жаннатдан жой бер,  
Онамнинг гуноҳин кечир, Аллоҳим.

**Эл мақтаб кетди**

Ўғилнинг эҳсони шунча бўлар-да:  
Катта ош дамланди, эл мақтаб кетди.  
Онанинг қабри ҳам нурга тўлар-да,  
Катта ош дамланди, эл мақтаб кетди.

Дастурхон устида қолмади бўш жой,  
Хоҳласанг қора чой, хоҳласанг кўк чой,  
Атроф тўйхонадай очди-ку чирой,  
Катта ош дамланди, эл мақтаб кетди.

Ҳаётлик чоғида бўлди хору зор,  
Дилбандим келарми дея интизор.  
Онанинг дуосин олмасдан бир бор...  
Катта ош дамланди, эл мақтаб кетди.

Кишида қанчалар кўп бўлса риё  
Қалбидан шунчалар кетади зиё,  
Онадан азизми ёлғончи дунё?  
Катта ош дамланди, эл мақтаб кетди.

Бугун сиз кучлисиз, қилни ёрасиз,  
Вақт келар, ўшанда қолиб чорасиз,  
Фарзандлар «хизматин» кўриб борасиз,  
Катта ош дамлашар, эл мақтаб кетар...

Самарқанд



Нодир ЖОНУЗОҚ

# Ғунча каби оғдим кўзимни

## Муножот

Эй исми-ла атир таратган,  
Эй оламни ишқдан яратган...

Ғунча каби очдим кўзимни,  
Ғариб ҳолда кўрдим ўзимни.

Неки билдим — мудҳиш... Уялдим,  
Беҳуш бўлиб, гулга суяндим.

Юрагимга тегди тикани,  
Қоним оқди япроқда... Ани

Чумолилар ичиб, берди жон —  
Қандай махлуқ бўлдим, Художон?!

Томиримга санчаркан нишин,  
Чаёнлар ҳам йиқилар шишиб.

Наҳот бошдан-оёқ заҳарман,  
Ўз-ўзимни тинмай чақарман.

Ҳолбуки, бол исини туйиб,  
Келгандим гул ишқида куйиб.



Билмам, қачон, не деб чалғидим,  
Адашдимми турмуш чангидин...

Касалимни тузатсанг зора,  
Сендан ўзга тополмас чора,

Ки Сенсан бор олам мақсуди,  
Сенга етмас тубанлиғ дуди.

Аршингдасан, олийсан, поксан  
Ва ҳаммадан ҳам яқинроқсан.

Яқиндирсан ҳатто ўзимдан,  
Лек олиссан ожиз кўзимдан.

Ҳар ҳужайрам сезар тафтингни,  
Осмонларга сигмас тахтингни

Юрагимга қўндирган Ўзинг,  
Исёнимни сўндирган сўзинг.

Сокинман-у, руҳимда тўлғоқ,  
Сенинг оташ шавқингга тўлмоқ

Қандай азоб, қандай ширин, хуш,  
Гўёки туш ичидаги туш.

Жилваланар энг тоза ранглар,  
Ўзал, нафис саслар, оҳанглар...

Жимирлайди ҳар битта толам —  
Менга сингиб йўқолар олам.

Мен қайдаман? Вужудим қайда?  
Маст бўлдимми гул тутган майдан?

Эслолмайман нега исмимни?  
Топширдимми буткул измимни?

Сендан ўзга йўқдир юпанчим,  
Сен боқмасанг, бу дунё янчиб

Совуради хас-сомонимни,  
Бир қоп қолдиқ — устухонимни.

Ҳолбуки, дур, марваридларим  
Сочилади тупроққа бари...

Ҳеч ким сезмас, ҳеч кимса термас,  
Терса ҳамки, бировга бермас.

Улар фақат Сенга аталган,  
Руҳимга тугмадай қадалган.

Сен деб тунлар берганман оро,  
Заҳматимдан топганман ором.

Эй исмидан атир таратган,  
Мени ишққа қориб яратган.

Гардим бўлса, артиб қўй секин,  
Танобимни тортиб қўй, лекин...

Мени нафсим билан овутма,  
Парвардигор, мени унутма!

Қувраган боғ каби ташландиқ  
Ҳолда куйиб ётмай ё сандиқ

Ичидаги занглаган тигдай  
Руҳим адо бўлмасин... Тинмай

Ёд этарман нурли зотингни,  
Раҳмон, Раҳим, Карим отингни.

Нетай, фақат шунга қодирман,  
Бечоралар ичра нодирман...

Тошкент

# МУСҲАФНИНГ ЛОНДОНГА ТАШРИФИ

Шу йил апрел ойининг 27-куни Англия пойтахти Лондон шаҳрида машҳур “Британия кутубхонаси”да “Муқаддас қўлёзмалар бизни яқинлаштиради” деган шиор остида “Яҳудийлик, насронийлик ва Ислом динларига оид муқаддас манбалар” деб аталган халқаро кўргазма иш бошланди. То 23 сентябргача давом этадиган ушбу кўргазмада Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Франция, Швейцария, Ирландия ва Мароқаш каби мамлакатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг ҳам иштирок этаётгани қувонарли ҳолдир.

Англия қироличаси Елизавета II нинг турмуш ўртоғи герцог Эдинбург ва Мароқаш подшоҳи Муҳаммад VI ҳомийлигида ўтказилаётган бу халқаро кўргазмада зикри кечган мамлакатларнинг нуфузли музейлари, кутубхоналари ва университетлари тақдим этган икки юздан ортиқ қўлёзма манба ва қимматли китоб намоиш этилмоқда. Тошкент Ислом университети Манбалар хазинасида сақланаётган Ҳазрати Усмон Муҳафидан кўчирма (хаттот Ҳабибуллоҳ Солиҳ 2004 йили кўчирган нусха)ни кўргазма ташкилотчилари ва кўпсонли зиёратчи олиму мутахассислар катта мамнуният ва алоҳида эътибор билан юқори баҳолашмоқда. Масалан, Британия кутубхонасининг директори Линней Брайндли хоним: “Тошкент Ислом университети кўргазмага тақдим этган ушбу ҳажман салобатли, илмий ва тарихий аҳамияти беқиёс ноёб кўчирма қўлёзманинг намоиши азалдан исломий илм ва мероснинг йирик марказларидан бири Ўзбекистонда қадриятларга катта эътибор берилаётганини кўрсатади. Биз келажакда ҳам мамлакатингиз олимлари билан илмий ва маданий алоқаларни давом эттиришга ҳаракат қиламиз”, деди.

Шунингдек, Мароқашнинг Британиядаги элчихонаси матбуот қотиби Абдулқодир Жамуссий: “Энг аввало, мен Ўзбекистон аҳлини Тошкент шаҳрига 2007 йили “Ислом маданияти пойтахти” мақоми берилгани муносабати билан қутлайман ва Тошкент билан бир қаторда Мароқашнинг Фас шаҳри ҳам айнан шу юксак мақомга сазовор бўлганини катта қувонч билан айтмоқчиман. Ушбу халқаро кўргазмада мустақил Ўзбекистон ва Мароқашнинг қадимий қўлёзмалар билан иштирок этаётгани бу иккала мамла-

катда илмий, маънавий ва диний манбаларни асраб-авайлаб сақлашга алоҳида эътибор берилаётганини билдиради. Шу кунларда Лондонга ташриф буюрган Марроқаш подшоҳи Муҳаммад VI ўзи ҳамда оила аъзолари бутун дунё мусулмонлари учун бебаҳо ва беназир бойлик ҳисобланган “Муҳафи Усмоний”ни ушбу кўргазмада намоиш этишга розилик берган Ўзбекистон раҳбариятидан чуқур миннатдор бўлишди ва самимий ташаккурларини билдиришди”.

Лондон университети қошидаги “Шарқ ва Африкани ўрганиш мактаби” Ислом тадқиқотлари марказининг директори, профессор Муҳаммад Абдулҳалим жаноблари билан бўлган мулоқотимиз айниқса қизиқарли ўтди. Асли мисрлик бу таниқли олим Ислом тарихи ва маданиятига оид кўплаб асарларнинг муаллифи, Қуръони карим маъноларини инглиз тилига ўгирган таржимон сифатида ҳам илмий доираларда катта обрў қозонган. “Сизнинг юртингиздан исломий илмлар ривожига беқиёс ҳисса қўшган кўплаб буюк алломалар етишиб чиққан. Кейинги пайтларда бу алломаларнинг ҳаёти ва асарларини ўрганиш, умуман, исломий мерос ва қадриятларни муҳофаза қилиш йўлида мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан ишлардан яхши хабардорман. Мен Ислом дини тадқиқотчиси сифатида Ўзбекистон олимлари билан яқин ҳамкорлик қилишга доим тайёрман, сонсиз-саноксиз улуг даҳоларни, хусусан, Имом Бухорийдек буюк алломани етиштирган тупроқларни зиёрат қилиш менинг энг эзгу ниятим”, дея тўлқинланиб гапирди англиялик олим.

“Муҳафи Усмоний”нинг асл нусхаси ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётгани маълум. Бундан тўрт йил муқаддам Тошкент Ислом университети раҳбариятининг ташаббуси билан мазкур нусхадан кийик терисига аслидагидек хатда (жами 704 саҳифа) мамлакатимизнинг таниқли хаттоти Ҳабибуллоҳ Солиҳ янги бир нусха кўчириб берган эди. Вазни қарийб қирқ кило келади. Истеъдодли саҳхоф Суннатуллоҳ Пўлатов ушбу улкан қўлёзмага муносиб, исломий нақшлар билан безалган ажойиб муқова ясаган. Бундан бир неча ой муқаддам “Британия кутубхонаси” раҳбариятидан Тошкент Ислом университетига расмий хат келиб, унда ушбу кўчирма нусхани шу йил апрел ойида ташкил



раёнда бу машҳур кутубхона жавонларида ўрта асрларда яшаб, улкан илмий-маънавий мерос қолдирган кўплаб буюк ватандошларимизнинг қаламига мансуб мингдан ортиқ қимматли қўлёзма рўяхатини кўрдик. Юракларимиз чексиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлди. Хадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом Бухорийнинг (810-870) “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” номли машҳур асарининг XII—XVIII асрларда кўчирилган йигирма саккиз қўлёзмаси, “Ҳофизуддин” (дин ҳимоячиси) номи билан шуҳрат қозонган насафлик таниқли олим Абдуллоҳ ибн

этилаётган “Яхудийлик, насронийлик ва Ислом динларига оид муқаддас манбалар” халқаро кўرғазмасида намойиш этиш сўралибди. Ушбу масала ҳартомонлама чуқур ўрганилгач, ўзаро шартнома тузилиб, Қуръони карим Лондон шаҳрига олиб борилди ва кўрғазмага қўйилди. Бу хайрли ишнинг амалга ошишида Буюк Британиядаги Ўзбекистон элчихонаси ходимларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Кўрғазмага тақдим қилинган бошқа кўплаб қимматли ноёб қўлёзмалардан “Ўлик денгиз ўрамлари”, “Инжилнинг қадимий нусхаси”, Мисрдаги мамлуклар сардори Султон Музаффар Рукниддин Байбарс II фармонида кўра Қуръони каримнинг 1305 йилда кўчирилган ажойиб нусхаси ва бошқаларни ҳам айтиш мумкин. Қуръони каримнинг турли даврларда ҳар хил минтақаларда кўчирилган ноёб нусхалари, айрим тилларга қилинган таржималари билан бир қаторда зиёратга келган мутахассис ва исломшунос олимларнинг диққат-эътиборини тортган асарлардан яна бири буюк ватандошимиз, аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсири бўлди. XV аср ўрталарида Эронда чиройли насх хатида битилган тафсирининг нодир қўлёзмаси ҳозир “Британия кутубхонаси”да сақланар экан. Мазкур кутубхонанинг қўлёзмалар хазинасида “Кашшоф”нинг турли даврларда кўчирилган йигирма беш нусхаси мавжудлиги бу қимматли тафсирга қизиқиш нақадар катталигини кўрсатади.

Ўрни келганида айтиш керак, бир ҳафталик қисқа Лондон сафаримиз давомида “Британия кутубхонаси”да сақланадиган Шарқ тилларидаги, айниқса, араб тилидаги қўлёзмалар билан имкон қадар танишишга ҳаракат қилдик. Бу жа-

Аҳмад Абул Баракот ан-Насафийнинг (1232—1310) “Канзул дақоик” номли фикҳий асарининг ўттиз қўлёзма нусхаси, шунингдек, бу олимнинг Қуръони карим тафсирига бағишлаб ҳанафий мазҳаби нуқтаи нзаридан ёзган “Мадорикут-танзил ан ҳақоикут-таъвил” номли қимматли тафсирининг ўн икки қўлёзма нусхаси сақланиши буюк алломаларимиз илмий-маънавий ва диний меросига хорижий юртларда, хусусан, Буюк Британияда қизиқиш нечоғли катта эканига далилдир. “Шайхур-раис” деган ўта юксак илмий мақомга сазовор бўлган, табобат, фалсафа ва мантиқ илмлари алломаси Абу Али ибн Сино (980—1037) ҳазратлари илмий-ижодий фаолияти даврида Қуръони каримнинг бир қанча сураларига тафсир ёзгани ҳам илм аҳлларига яхши маълум. Тошкентда, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Қуръоннинг учта охири (Ихлос, Фалақ, Нос) сураларига Абу Али ибн Сино ёзган тафсирининг қўлёзма нусхалари сақланади. Лондондаги “Британия кутубхонасида” эса буюк ватандошимизнинг ўн битта муборак сурага ёзган тафсирининг қўлёзмалари мавжуд экан.

Умуман олганда, “Британия кутубхонаси”нинг хазиналарида сақланаётган кўплаб олимларимиз асарлари қўлёзмалари келажакда мамлакатимизда амалга ошириладиган илмий изланишлар ва тадқиқотларда улардан ҳам самарали фойдаланишимизни кутиб ётибди.

**Убайдулла УВАТОВ,**

*Тошкент Ислом университети Манбалар хазинаси директори, тарих фанлари доктори*

# БЕҚАСАМ ТҶҲЛИ ЖОНИВОР

Зебралар отларга жуда ўхшайди, фақат уларнинг «либоси» антиқа — йўл-йўл: “Беқасам тўн кийганми булар”, деб юборасан киши. Худди оддий отлар каби зебранинг ҳам ёли бор; тана тузилиши ҳам отникига ўхшайди, яна от каби учкур.

Ҳеч қачон ўйлаб кўрганмисиз, нима учун зебра танаси даги оқ-қора йўллар турли хил ва бирида учрайдигани бошқа зебрада қайтарилмайди. Бир зум кўлларингизга қаранг-чи. Бармоқларингиз учида турли жимжима чизиқларни кўрасиз. Дунёда бармоқ изи бир хил бўлган одамлар йўқ. Зебрада ҳам шундай: бир зебра баданидаги йўллар нақшини бошқа зебрада учратмайсиз.

Зебра терисининг қора рангли йўллари унинг ҳаётида муҳим ўрин тутиб, ҳимоя воситасини ўтайди. Уларни овламоқчи бўлган йўлбарсу шерлар зебра либосини кўриб, бутун подани ягона бир улкан ҳайвон экан деб ўйлашади. Бу ҳолат зебраларни йиртқичлар ҳужумидан ҳимоялайди, чунки йиртқичлар териси йўл-йўл отларнинг улкан тўдасида ўлжа танлай олмайди-да.

Зебралар подаси баъзан емиш

қидириб, кун мобайнида эллик километргача йўл босади. Аммо кун оққанида улар албатта қадрдон қирларига қайтади. Зебралар кўпроқ нимани яхши кўришини биласизми? Чангга булғанишни! Албатта, кимгадир бу ишлари ғалати кўриниши мумкин. Бундай чангга «чўмилишлар» зебраларга чидаб бўлмас азоблар берувчи зарарли ҳашоратлардан тозаланиш имкониятини беради. Уларга бу зараркунданлардан халос бўлишда «буқа қизиштишони» деган қушчалар ҳам ёрдам беради. Улар зебралар устига қўнади-да, давомий бирга юриб, меҳмондўст “эгасини” ҳашоратлардан тозалайди. Ҳашоратлар зебралар учун жуда хавфли: улар зебранинг танасида яралар ҳосил қилиши, бу нарса жониворни ўлимга олиб бориши ҳам мумкин. Яна бир бор амин бўламикки, барча тирик жонзотларнинг ҳаётини йўлга солувчи Аллоҳ қушларни зебраларга ёрдам беришга ундаган экан!

Зебра тойчоқлари туғилганидан ярим соат ўтар-ўтмай оёққа туриб, юра бошлайди. Улар лаззатли сутни эмиш учун дарров оналари олдига югуришади. Зебранинг сутни ғалати: пуштиранг.

Аллоҳ бу сутни зебра тойчоқлари учун махсус яратган: сутда бўйни ўстириб, мушакларни мустаҳкамловчи моддалар бор, у зебраларни кўпгина касалликлардан қутқаради. Бундан ташқари, овқатни яхши ҳазм қилдиради...

Зебраларнинг сезги органлари — кўз, қулоқ ва бурни муҳим ҳимоя воситаси ҳамдир. Бу аъзолар ўта сезувчандир: зебралар душманни тезда илғаб, яширинишга улгуради.

Одатда улар йиртқичлардан жуда катта тезликда қочиб кутулишади.

Жониворлар ухлаганида қандай ҳимояланади? Зебралар уюри дам олганида бир-иккита зебра қоровул бўлиб туради. Зебраларнинг бу тадбири ақлли одамнинг ишига ўхшайди-я!

Зебралар тўдада бир-бири билан жуда иноқ яшаши, ҳар бири ҳеч қандай буйруқсиз керакли вазифасини бажаради. Меҳрибон Аллоҳ бу жониворларни шундай ҳамжихат яшашга ўргатган, уларнинг ўзига хос ҳаёт тарзини белгилаб берган. Баъзи жониворларнинг уйқудан воз кечиб, бошқа зебраларни фидойиларча ҳимоя қилиши уларга бу ғаройиб ҳислатларни Қодир Аллоҳ тортиқ этганига далолат эмасми?!

Зебранинг тойчоғи оддий ва осон ҳимоя усулини кўллайди. У бир ишни қилса бўлгани: доимо онаси ёнида юриши керак.

Ахир тойчоқ қонхўр йиртқични узоқдан яхши илғай олмайди-да, бунинг устига, титраб турган оёқчаларида қоча олмайди ҳам. Бироқ Аллоҳ иродаси ила эндигина туғилган бу зебралар онасидан узоқлашмаслик кераклигини, бу жой йиртқичлардан энг хавфсиз жой эканини билади. Хавф туғилганида она зебралар тойчоқларини тезда поданинг ичига олишади.

Зебралар кўпинча очиқ яйловларда ўтлайди. Уларнинг оёқлари узун, мушаклари бақувват, суяклари мустаҳкам, нафас олиш аъзолари яхши ривожланган — ўпкалари катта. Шунинг учун жониворлар умуман чарчоқ билмай ва секинлашмай, катта масофаларни босиб ўтишади.

Раҳматуллоҳ Дониёр  
тайёрлади

